

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

УДК 494.375

Магистратура бўлими
“Ўзбек тилшунослиги” кафедраси

Абдусаломов Ахроржон Абдусалом ўғли
“ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ” мавзусидаги
магистрлик диссертацияси

**ДАКда ҳимоя қилишга рухсат
берилган**

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ п.ф.н., доц. Н.А.Хамедова

“_____” июнь 2011 йил

Илмий

рахбар _____

ф.ф.д., проф. Н.Маҳмудов

“_____” июнь 2011 йил

Кафедра

муdiri _____

ф.ф.н., доц. М.Сапарниязова

“_____” июнь 2011 йил

Тошкент -2011

“ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ”

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. Тақлидий сўзлар ва уларнинг ўрганилиши	9
1. 1. Тақлидий сўзлар ҳақида маълумот	14
1.2. Тақлидий сўзларнинг фонетик хусусиятлари	22
1.3. Тақлидий сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари.....	32
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	46
II БОБ. Тақлидий сўзларнинг бадиий матнда қўлланилиши	47
2.1. Назмий матнда тақлидий сўзларнинг қўлланилиши.....	50
2.2. Насрий матнда тақлидий сўзларнинг қўлланилиши.....	57
2.3. Халқ оғзаки ижодида тақлидий сўзларнинг қўлланилиши.....	60
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	65
Умумий хулосалар	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70
Иловалар: Тақлидий сўзлар луғати	74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, она тилимизга бўлган эътибор янада кучайди. Ўзбек тилининг назарий асосларини янада мустаҳкамлаш, унинг барча имкониятларини чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, жаҳон халқлари орасида қизиқиш уйғотиб бораётган ўзбек тилининг ички қонуниятларини илмий жиҳатдан кенгрок ёритиш, асослаш куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланади.

Ўзбек тилшунослигида юзага келаётган янги тадқиқотлар жаҳон тилшунослиги эришган ютуқларга таянган ҳолда, янги-янги муаммоларни ҳал этиш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бундай илмий тадқиқот ишлари ўзбек тилшунослигининг тараққий этган жаҳон тилшунослик мактаблари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши учун бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланишни бошлагандан бери илм-фан ва миллий маданиятимизни ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч”деб номланган китобида таъкидлаганларидек, “ўтган давр мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрнини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда”.¹

Шу маънода Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир” ва “Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз

¹ И.А. Каримов .Юксак маънавият – енгилмас куч. Т: Маънавият 2008 . 86-б

фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузалари ҳам илм-фан ривожига катта омил бўлди.

Бош мақсади Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлмиш миллий ғоямизнинг курашчанлигини таъминлашда мукаммал маънавият ва маърифат ҳал қилувчи омил бўлиб, она тилига мунтазам муҳаббат, давлат тилига барқарор эҳтиром ана шу омилни шакллантиради, унга куч беради, кўлам бахш этади. Шунинг учун ҳам миллий ғоя тарғибида “миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат”¹ тарбияси муҳим ўрин тутди.

Тил - миллат қалби. “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидур”, дея улуғ марифатпарвар тилга нихоятда ўринли тариф берган. Халқимизнинг тамомила ўзига хос руҳиятини асрлар оша опичлаб, не-не дўлу довуллардан омон асраб келаётган, борлигимиз ва бирлигимизнинг мўътабар рамзи бўлмиш тилимиз дилидаги тугунларни истиқлолнинг эмин қўллари қайта тугилмас қилиб ечиб юборди. Миллат деган муҳташам тушунчанинг моҳиятини тайин этадиган қадриятларнинг бошида тургувчи тил юртимизда қонуний қадр қиммат билан қовушди. Ўзбек деган миллий ўзликнинг ўзагида азалдан истиқомат қилиб келган, аммо уйдан ташқарига чиқиб, расмий издиҳому гербли қоғозлар узра савлат тўқмоқ бахтидан мосуво қилинган ўзбек тили Ўзбекистоннинг ўктам ва ўткир тилига айланди. Бугун давлат тили рутбасидаги ўзбек тилимиз мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналиши ўлароқ амалга оширилаётган кўламли маънавий-маърифий ислохатларга камарбасталикни ҳузурли таъмини тотиб, эркин такомил йўлида бормоқда. Бу ойдин йўл қадимдан илдизи бақувват тилимизнинг замон ичра ҳаракатига бардавомлик бахш этмоғи тайин.²

Фан соҳалари қатори ўзбек тилшунослиги ҳам ривожланишнинг истиқболли йулига чиқиб олди. Шу кунга қадар асосан гапнинг шаклий

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 49 —бет.

² Н. Маҳмудов. Маърифат манзиллари. Т. Маънавият. 1999. 54 б

тузилиши ўрганилиб келинган эди. Эндиликда гапнинг маъно хусусиятлари, унинг таркиби, мазмуний типлари, шаклий ва мазмуний тузилишларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш анча ривожлана бошлади.

Тилшунослик фани мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Буни тилнинг барча сатҳлари билан боғлиқ муаммоларнинг ўртага ташланиши ва олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам кўрсатиб турибди. Ўзбек тилида қўлланувчи тақлидий сўзларнинг шу кунга қадар лингвистик ва лингвопоэтик хусусиятларини камраб олувчи комплекс тарздаги таҳлилнинг йўқлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг объекти Тадқиқот учун Э.Воҳидов, Ойбек, А.Навоий, Чўлпон, А.Қахҳор, А.Қодирий каби маҳоратли сўз санъаткорларининг асарлари ҳамда, халқ оғзаки ижодидан олинган тил фактлари мавзу тадқиқида материал вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг лингвистик, паралингвистик ҳамда услубий хусусиятларни комплекс тарзда тадқиқ этиш.

Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Ушбу мавзу орқали ўзбек тилда қўлланилувчи тақлидий сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этиш мақсад қилинди. Тақлидий сўзларни ўрганиш миллий менталитет билан боғлиқ ниҳоятда оригинал ҳолатларни кузатиш имконини беради. Маълумки, табиатдаги жонли ва жонсиз предметлар турли хил товуш чиқаради. Кишилар ўз турмуш тажрибаларида баъзан анашундай товушларга тақлид қиладилар. Масалан, хўрознинг қичқириши ўзбек тилида *қу-қу-қу* тарзида бир хил буғинни бир неча бор такрорлаш орқали ифодаланса, рус тилида *ку-ка-ре-ку* тарзида, тилимиз билан бир оилани ташкил этувчи турк тилида эса *у-у-ру-у* тарзида аксланади. Сувнинг шилдираши, шамолнинг гувиллаши, эшикнинг тақиллаши, қушларнинг сайраши, соатнинг чиқиллаши, чирилдоқнинг чийиллаши, дарахтнинг қимирлаши, машинанинг ҳаракатланиши, ёмғирнинг ёғиши ва бошқалар ҳар бир миллат томонидан

ўзига хос тарзда имитация қилинади. Уша товушни қандай эшитишса тилда шундай акс эттиришга уринишади. Ана шу жараён тилдаги имконларни аниқ намоён этади.

Тилимизда ифодалаш мумкин бўлмаган бирон бир товушнинг ўзи йўқ. Ҳозирги ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг лингвистик, паралингвистик ҳамда услубий хусусиятларини комплекс тарзда тадқиқ этиш бу борада томоман янги натижаларни ўртага чиқариши мумкин. Шу маънода бадиий матннинг шаклланишида симемаларнинг ўрни уларнинг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш тадқиқотнинг асосий вазифалари қаторига киради. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилди:

- дунё ва ўзбек тилшунослигида тақлидий сўзларнинг қай даражада ўрганилганлигини аниқлаш;
- бадиий матнда қўлланилган тақлидий сўзларнинг аҳамиятини ўрганиш;
- бадиий матнда қўлланилган тақлидий сўзларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- бадиий матнда қўлланилган тақлидий сўзларнинг лингвопотик хусусиятларини тадқиқ қилиш;
- бадиий матнда қўлланилган тақлидий сўзларнинг семантик хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қарашлари, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек Ғ.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Р.Қўнғуров, М.Йўлдошевларнинг олиб борган ишлари методлогик асос бўлди. Мавзуни ёритишда ҳозирги кунда ўзбек тилшунослиги қўлга киритган ютуқлардан ҳамда рус ва жаҳон тилшунослигида баён қилинган назарий фикрлардан, шунингдек, кейинги пайтларда кенг тарқалган методологик тамойил ва усуллардан ижодий фойдаланилади. Шунингдек, ишда кейинги пайтларда кенг тарқалган методологик тамойил ва ёндашувлардан редукция (маълум яхлитлик, тизим,

“мураккаблик”ни унинг нисбатан содда таркибий қисимлари орқали билиш) тамойили, яхлитлик (маълум бир яхлитликни бошқа яхлитликни бошқа яхлитликлар билан ўзаро алоқадорликда билиш) тамойили, индукция (алоҳида фактларга асосланиб умумий мулоҳаза юритиш), дедукция (маълум умумий қоидаларга асосан хусусий ҳулосалар чиқариш) ва абдукция (фактлардан уларни тушунтирувчи гипотезаларга бориш) методлари ҳамда тавсифий, қиёсий-таснифий, контекстуал, компонент таҳлил каби татқиқот методларга мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда бадиий матндаги тақлидий сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятлари биринчи марта диссертацион планда тадқиқ этилди. Унда қуйидагилар ишнинг илмий янгилиги сифатида тақдим қилинади:

- ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг тарихий ҳамда замонавий ифода тарзи ўрганилади;
- ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг паралингвистик ифода воситалари аниқланади;
- бадиий матннинг шаклланиши ва матн бутунлиги таъминлашда тақлидий сўзларнинг ўрни аниқланади;
- бадиий матнда қўлланилган тақлидий сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ қилинади;
- бадиий матнда қўлланилган тақлидий сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари ўрганилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Ушбу татқиқот бажарилгандан сўнг эришилган айрим натижалардан ҳозирги кунда ўзбек тишунослигида долзарб бўлиб турган айрим муаммоларини амалий жихатдан ҳал қилишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларидан умумий ўрта таълимнинг 7-синфларида, ўрта махсус таълимнинг II босқич ҳозирги ўзбек адабий тили курсида, олий таълимнинг ҳозирги ўзбек адабий тили курсининг морфология бўлимида

тақлидий сўзлар юзасидан ўтиладиган мавзулар учун қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳамда магистратура бўлими қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Мавзу юзасидан иккита илмий мақола нашр қилинган. Тадқиқот натижалари бўйича Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси йиғилишида маъруза қилинди ва университетнинг Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши 1-босқич талабаларига очик дарс ўтказилди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлар режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

XX асрнинг йигирманчи йилларига қадар туркологияда тақлидий сўзларни ўрганишга бағишланган махсус ишлар майдонга келмади дейиш мумкин. Бошқа баъзи грамматикаларда эса тақлидий сўзлар ундовларнинг бир тури эканлигини эслатиш билан чегараланилади.

Туркий тиллар бўйича ёзилган грамматикаларнинг муаллифларидан С. В. Ястремский тақлидий сўзларга биринчи бўлиб аҳамият берди. Бундан ташқари, таниқли турколог олимларнинг лексикографик ҳамда турк тилларининг у ёки бу масаласига бағишланган асарларида ҳам баъзан тақлидий сўзлар тўғрисида йўл-йўлакай, лекин жуда қимматли фикрлар баён қилинган. Н.И.Ашмарин туркологиянинг бу соҳасида кузатиш ишларини бошлаб берди ва бу масалага бағишлаб қатор илмий асарлар яратди.

Н.И.Ашмарин Волга бўйи туркий халқлари тилларидаги тақлидий сўзларни беш катта семантик гурпуага ажратади: товушга тақлид, ҳаракат ва ёруғлик ҳодисаларига тақлид, киши организмда пайдо бўладиган товуш характерига эга бўлмаган ҳодисаларга тақлид, болалар сўзларига тақлид каби.[56.6]. Унинг асарларида тақлидий сўзлар генетикаси, бир товушга турли тилда, ҳатто, бир тилнинг турли диалектларида турли формада тақлид қилиш ва унинг сабаблари кўп ҳолларда тўғри талқин қилинади.

Н.И.Ашмариннинг тақлидий сўзларга доир асарларида тилнинг келиб чиқишини тақлидий сўзларга олиб бориб боғлаш тенденцияси кўзга ташланади. Унинг фикрича, тил бошланғич даврларда фақат мимемалардан ташкил топган бўлиб, кейинги даврлардагина ундан нутқнинг артикуляциялашган товушлари келиб чиққан. Мимемалардан нутқ товушлари пайдо бўлгунча тил нутқ товушларини ва бошланғич сўзларни танлаш ва тўплаш даврини бошидан кечирган эмиш.[56.7].

Н.И.Ашмарин ҳозирги кўпгина нарсаларнинг номи тақлид билан боғлиқ эканлигини аниқлай олмаслигимизнинг сабаби биз ўша нарсаларнинг доимий номига айланиб кетган мимемаларнинг чиқиб келиши учун ўша

нарсанинг қайси хусусияти сабаб бўлганлигини билмаслигимиздир, деб кўрсатади. Шунинг учун у тирик ва жонсиз табиатнинг тақлидий сўзларда аксини топа оладиган ҳодисаларини қунт билан ўрганишни таъкидлаш билан бирга, тилнинг келиб чиқишини, унинг праобразларини топиш учун мимикаларни, тана-гавда ҳаракатларини ва улар билан боғланган табиий товушларни, қушлар ҳамда ҳайвонлар тилини ўрганиш ва уларни ҳозирги тил билан чоғиштириш кераклиги ҳақида гапиради. Хуллас, Н.И.Ашмариннинг тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияси уни товушга тақлид назариячиларига яқинлаштириб қўяди. Маълумки, товушга тақлид назариясига қарши чиқувчилар ўз даврларидаёқ у назарияни кулгили равишда “*вау-вау*” назарияси деб атаган эдилар.[29.20].

Н.А.Васкаков тақлидий сўзлар ва ундовларни, уларнинг баъзи бир фарқларига қарамасдан, семантик, ҳам форма жиҳатдан бир категорияга бирлаштириш керак, деб ҳисоблайди. У тақлидий сўзларни семантик томондан товушга тақлид сўзлар ва образга тақлид сўзлар деб иккига бўлади, ҳамда уларга хос хусусиятларни алоҳида-алоҳида кўрсатади. Н.А.Васкаков тақлидий сўзларнинг ясалиши ҳамда уларнинг грамматик-функционал хусусиятларига кўпроқ аҳамият беради.

А.Н.Кононов “Ўзбек тили грамматикаси”[30] асарида тақлидий сўзларни ундовларнинг бир кўриниши деб кўрсатса, 1956 йил нашр қилинган “Ҳозирги турк адабий тилининг грамматикаси”[20] асарида уларни алоҳида сўз туркуми қилиб ажратади. А.Н.Кононов ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг *тарсил-тарсил*, *вовул-вовул*, *пўнгул-пўнгул* каби кўринишлари ҳақида ҳам гапирадики, бу албатта, шубҳадан ҳоли эмас. Муаллиф *вовул*, *пўнгул*, *тарсил* каби тақлид сўз формалари *вов*, *пўнг*, *тарс* ўзакларига *-ил* элементининг қўшилиши асосида пайдо бўлганлигини тўғри кўрсатади. Лекин бу негизлар ўзбек тилида мустақил қўлланмайди. Улар *вов-вов*, *тарс-тарс*, *пўнг* каби бошланғич ҳолатда ёки *вовулла*, *тарсилла*, *пўнгир-пўнгир*, *пўнгилла* каби формаларда ишлатилади.

А.Исҳоқов тақлидий сўзларни семантик томондан классификация қилишда ўзидан олдинги олимлар классификациясига ҳеч қандай ўзгартиш киритмайди. У тақлидий сўзларнинг оғзаки нутқда, бадиий адабиётда тутган ўрни, стилистик ҳамда фонетик хусусиятларига алоҳида аҳамият беради: *Тарс-тарсни, тарс-турсга* ўзгартириш биланок уларнинг маъносида янги оттенка пайдо бўлади деб у жуда тўғри ёзади. Б.М.Юнусалиев қирғиз тилида ўзак сўзларининг тараққиётига бағишланган асарида тақлидий сўзларга кўпроқ тарихий аспектда ёндашади. Б.М.Юнусалиевни тақлидий сўзларнинг келиб чиқиши, ўзгариши, негизнинг тараққиёти, маънолари, шу каби уларнинг морфологик ва семантик хусусиятлари кўпроқ кизиқтиради. Муаллиф тадқиқотлар натижасида тақлидий сўзлар ҳам от ва феъллар каби тилнинг қадимги элементларидандир, деган хулосага келади.[56.13-14].

Б.М.Юнусалиевнинг фикрича, образли сўзлар товушга тақлид сўзларга нисбатан от ва феълларга яқин туради, товушга тақлид сўзлардан эса кескин фарқ қилади. Туркман тилидаги тақлидий сўзларни ўрганиш ва кенг майдонда илмий ёритиш ёш олим М.Худойкулиев қаламига мансубдир. Унинг бу масалага бағишлаб ёзган асарларида туркман тилидаги тақлидий сўзларнинг грамматик хусусиятлари ҳар томонлама ва тўла ёритилди дейиш мумкин.

Усмонли турк, уйғур ва бошқа туркий тиллардаги тақлидий сўзлар тўғрисида махсус кузатиш ишлари олиб борилмаган. Улар ҳақидаги айрим фикрларни ўша тиллардаги жуфт ва такрорий сўзлар тўғрисида ёзилган айрим ишлардагина кўрамиз. Туркий тиллар оиласига мансуб бўлмаган бошқа тилларда ҳам тақлидий сўзларни ўрганишга бағишланган баъзи ишлар мавжуд. Кейинги йилларда тилшуносликда ҳинд-европа, монгол, угрофин оиласига кирувчи тиллардаги тақлидий сўзларни ўрганишга доир махсус ишлар юзага келди.

Г.А.Пак корейс тилидаги, Т.И.Петрова эса нанай тилидаги тақлидий сўзларни текширдилар. Юқорида тилга олинган тилшунослар турли тиллардаги тақлидий сўзларга у тилларнинг ҳар бирининг ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашдилар. Аммо мулликлар фикридаги умумийлик уларни бир-бирларига яқинлаштиради. Уша даврларда тақлидий сўзлар бўйича кузатиш ишлари олиб борган олимлар фикридаги умумийликни, бизнингча, қуйидагича кўрсатиш мумкин. Биринчидан, улар тақлидий сўзларни икки семантик гурпуага бўладилар. Бу олимларнинг баъзилари тақлидий сўзларни товушга тақлид ва образли сўзлар деб иккига бўлсалар, баъзилари эса уларни образга тақлид ва товушга тақлид сўзлар сифатида классификация қиладилар. Иккинчидан, кўпчилик олимлар тақлидий сўзларни ундовлардан ажратиб, алоҳида сўз туркуми деб қарайдилар. Юқорида айтганимиздек, тақлидий сўзлар категорияси туркий тилларнинг кўпчилигида у ёки бу даражада ишланган. Ўзбек тилшунослигида эса бу масала ўз ечимини топиб бўлган.

А.Н.Кононов, У.Т.Турсунов ва Ж. Мухторов, С.Муталлибовлар ўз асарларида тақлидий сўзларни ундовлардан ажратиб, алоҳида сўз туркуми сифатида қарайдилар.[48.34].

А.Ғуломов ўзининг мактаблар учун ёзган дарсликларида.”Ўзбек тили морфологиясига кириш” асарида тақлидий сўзларни ундовларнинг бир тури сифатида кўрсатсада, 1957 йил августида мактабларда ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган республика конференциясида қилган чиқишида тақлидий сўзларни айрим тур қилиб ажратиш лозимлигини алоҳида қайд қиладди. Тақлидий сўзларни ундовлар билан бир ҳодиса сифатида қарашнинг нотўғри эканлиги ҳақида С.Усмонов ҳам ўз фикрини баён қилган эди. С.Муталлибов образли ва товушга тақлид сўзларни бирлаштириб, уларга қуйидагича таъриф беради: “Ҳайвонлар, жониворлар, қушлар ва одамлар, нарсалар ҳаракатидан пайдо бўлган товушларга шартлича тақлид қилиб ясалган сўзлар товушга тақлидий сўзлар деб аталади”.[39.12]. Бу таъриф тақлидий сўзларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштира олмайди. Чунки агар биз бу таърифни фақат товушга тақлид сўзларгагина берилган десак, образли сўзлар қандай таърифланади деган савол туғилади. Бу умуман, тақлидий сўзларга берилган

таъриф бўлса, у бир ёқлама бўлиб, образли сўзлар тўғрисидаги фикр тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тақлидий сўзларга, қуйидагича тариф берилган, “Тақлидий сўзлар шахс, предмет ва турли жониворлар товушининг ҳаракат ва ҳолат образларига тақлидни билдирувчи сўзлардир”[47]. Тақлидий сўзлар турли хилдаги ихтиёрий ва ихтиёрсиз товуш ва қичқирикларни, ҳаракат ё ҳолат образларини билдиради. Улар фикрни равшан ва образли қилиб ифодалашда муҳим вазифани бажаради. Шунга кўра улар иккига бўлинади: товушга тақлидий сўзлар ва образга тақлидий сўзлардир. Ушбу изланиш ва тадқиқотлар ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўлган.

С. Муталлибов тақлидий сўзларнинг турлари ҳақида гапириб шундай ёзади: Товушга тақлидий сўзлар тузилиш асосига кўра иккига бўлинади:

а) эшитилган товушга шартлича тақлид қилиб ясалган сўзлар: *пиш-пиш ухламоқ, тақ-тақ юрмоқ*.

б) нарсалар ва ҳодисалар кўринишига шартлича тақлид қилиб ясалган сўзлар: *ялт-юлт, лим-лим*.

Туркологлардан А.Н.Кононов, Н.А.Баскаков, Л.Н.Харитоновлар тақлидий сўзларни англатган маъноларига қарабгина юқоридаги каби икки группага ажратадилар. С.Муталлибов тақлидий, сўзларнинг эски ўзбек тилида қўлланадиган баъзи формаларини жуда ўринли кўрсатади. Лекин баъзи бир сўзлар этимологик тўғри таҳлил қилинса ҳам грамматик категория сифатида тўғри изоҳланмайди. Масалан, М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан келтирилган *ҳач-ҳач* сўзини тақлид сўз сифатида изоҳлайди. Бизнингча эса, у тақлид сўз эмас, балки ундовдир.

1.1. Тақлидий сўзлар ҳақида маълумот

Товушга тақлид масаласи бизнинг эрамыздан илгариёқ тилшунос олимларнинг диққатини ўзига жалб этган: биз товушга тақлид ҳақидаги илк фикрларни ўша даврларда айтилганлигини кўрамыз. Маълумки, табиатдаги жонли ва жонсиз предметлар турли хил товушлар чиқаради. Кишилар ўз турмуш тажрибаларида баъзан ана шундай товушларга тақлид қиладилар. Товушни қабул қилувчи организмиз қулоқ табиатдаги товушларни асосан тўғри акс эттиради. Аммо биз талаффуз қилган товуш ўша товушларга анча яқинлашиб боради ва у шартли равишда тақлид деб олинади. Ёзма нутқда эса тақлидни бериш яна ҳам қийинроқ, чунки “ҳар қандай энг яхши алифбо, ҳатто, лингвистлар томонидан яратилган транскрипциялар ҳам киши нутқини”, айниқса, ундаги тақлид сўзларни тўлиқ акс эттира олмайди.[40]

Тақлид сўзларни имитациядан фарқлаш керак, албатта. Тилдаги тақлид сўзларнинг табиатдаги товушларга тўла мос келмаслиги, бу товушлар комплексининг табиатдаги товушларнинг ўзгинаси эмаслигини табиатдаги бир нарсанинг товушига турли тилда, ўша тилнинг ўзига хос бўлган товуш комплекслари орқали ҳар хил тақлид қилиниши манбалари яна бир марта тасдиқлайди. Бир нарсанинг товушига ҳар хил, турли хил товуш комплекслари орқали тақлид қилиш ҳодисаси турли тилларгагина хос бўлмасдан, бир оилага кирадиган тилларда ҳам, ҳатто, бир тилнинг турли диалектларида ҳам кўзга ташланади. Имитацияда эса товуш қандай эшитилса, шундай такрорлашга ҳаракат қилинади. Тилларнинг ҳар хил бўлишидан қатъий назар, имитация уларнинг ҳаммасида асосан бир хил бўлади. Улар табиатдаги товушларнинг нусхаси сифатида майдонга келиб, отлашиш ва феъллашиш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун уларни алоҳида ёки маълум бир сўз туркуми составида қараш асло мумкин эмас. Улар синтактик томондан гапнинг бирор бўлаги вазифасида кела олмаслиги жихатидан ҳам бошқа сўзлардан фарқланади. Агар биз шу типдаги товушга

тақлидга эга бўлганимизда бизда тақлидий сўз муаммоси бўлмас эди, дейди А.И.Германович.[27.192].

Товушга тақлидий сўзлар ташқи моддий дунёнинг товуш томонидан кўриниши ҳақидаги тушунчаларни англатади. Тушунчани англатиш жихатидан сўзлар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бир хил сўзлар борки, улар номинативлик функциясини бажариб, предметлик маъноси билан кўринади, иккинчи бир хил сўзлар эса умумий функционал ва релъатив маънода кўринади. Тақлидий сўзларни ана шу иккинчи группа ичида қараш мумкин. Лингвистика кушларнинг сайрашидан, итларнинг ҳуришидан, мушукнинг миёвлашидан пайдо бўлган товушларни ҳам, жонсиз нарсаларнинг синиши, бир-бирларига урилиши ва бошқа ҳолатларда пайдо бўлган товушларни ҳам, имитацияларни ҳам ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Ана шу нарса ва жониворларнинг товушларига кишиларнинг тақлид қилишлари натижасида тилда социал қийматга эга бўлган товушлар комплексларидан ташкил топган сўзлар пайдо бўлади. Бу товуш комплекслари тил ихтиёрига ўтгач, тил уни силлиқлаштиради, фонетик ва структурал форма, маъно беради. Натижада, улар гапнинг бирор бўлаги вазифасини бажара олади ва тушунча англатиш даражасигача кўтарила олади.

Хуллас, тақлид сўзлар:

- а) ўзларининг лексик маъноларига эга;
- б) кишида умумий таассурот ҳосил қилиш даражасига кўтарила олади. Бир тилда гапирувчи ҳамма жамоа асосан уларни бир хилда тушунади;
- в) ўзларига хос қурилишга, формага эга;
- г) содда ҳолда асосан ёрдамчи феъллар билан бирга келади;
- д) гапда маълум бўлак вазифасини бажариб, бошқа гап бўлаклари билан муносабатга кириша олади. Мана шундай хусусиятларга эга бўлган сўзларни тақлидий сўз деб ҳисоблаймиз.[56.22-23].

Тақлидни ифода этувчи товуш комплексининг сўз эканлигини эътироф қиладиган фикрлар чет эл тилшунослигида ҳам учрайди. Товушга тақлид

сўзлар ўзлари ифодалаётган товушнинг номи бўлмасдан, уларнинг бевосита ифодаланишидир деган эдик. Демак, тақлид сўзлар билан улар ифодалаётган ходисалар ўртасида бевосита алоқа мавжуддир. Бу ўринда нарса ва унинг номи ўртасидаги муносабат масаласига бир оз тўхташга тўғри келади. Бу муаммо жуда қадимги даврларда олимлар диққатини ўзига тортганлиги маълум. Қадимги грек олимлари тил муаммоларига асосан фалсафий нуқтаи назардан ёндашиб, нарса ва унинг номи ўртасидаги муносабат масаласида катта икки гуруҳга бўлиндилар. Бу масала бўйича бўлган мунозараларда Гераклит, Демокрит, Протогор, Эпикур каби философлар турли позицияда туриб иштирок этдилар. Платон эса бу ҳақдаги фикрларини ўзининг “Кратил” диалогида баён қилди. Платон назарияси бўйича, моддий нарсалар ўткинчи характерга эга бўлиб, сўзлар унга боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий яшовчи ҳодиса эмиш. Унингча, идеялар объектив ва абстрактлик хусусиятига эга. Стол, от, нон каби реал предметларнинг объективлиги уларни ифодаловчи идеяларга нисбатан камроқдир (Масалан, умуман стол, умуман от, умуман нон каби). Кўпгина олимлар кейинги йилларгача ҳам стол, от йўқолади, улар ҳақидаги идея, яъни умуман стол, умуман от тушунчаси сақланиб қолаверади деган фикрда эдилар.

Объектив ташқи олам, табиат, масалан, жонли ва жонсиз нарсалар, тош, сув, шамол, темир кабилар турли ҳолатда, турли хил товуш чиқаради. Бу эса сезги организмизга таъсир қилиб, бизда сезги уйғотади. Киши ташқи оламдан олган сезгисини, таассуротини ўз тилининг фонетик ва лексик имкониятидан фойдаланган ҳолда маълум товуш комплекслари орқали ифодалайди. Тилда бошқа ҳамма гурӯпадаги сўзларга нисбатан ҳам товушга тақлид сўзлар билан улар англатадиган маъно ўртасидаги алоқа бир-бирига яқинроқдир. Бундай сўзларни жаҳондаги ҳамма тилларда ҳам учратиш мумкин. Аммо ҳар бир тилдаги тақлидий сўз ўша тилнинг фонетик хусусияти, у тилда гапирувчи халқнинг географик муҳити ва шу каби турли хил факторларга боғлиқ равишда ўзига хос хусусиятга ага бўлади, Ўзбек тилидаги *вот-вот, воғ-воғ, пиқ-иик, пуқ-пўқ, чақ-чақ, дук-дук, гир-гир, гув-гув,*

зат-зат, ват-ват, тақ-тақ, зарч-зурч, чарс-чурс, миёв-миёв, чузур-чузур, жаранг-журунг, қаҳ-қаҳ, шип-шип, ширт-ширт, данг-данг, гумбур-гумбур, хўнг-хўнг, шилт-шилт, гижир-гижир, шоп-шоп, гирт-гирт, висир-висир типидagi товушга тақлид сўзлар маълум бир нарса ёки ҳодиса ҳақидаги тушунчанигина эмас, ўша нарса ёки жонивор чиқарган товушнинг ўзини ҳам кўрсатади.

Ҳозирги кунга келиб тилда от ёки феъл сифатида қаралувчи баъзи бир сўзлар борки, улар ҳам келиб чиқиш жиҳатидан товушга тақлид сўзларга бориб боғланади. Баъзан эса товушга тақлид сўз кишиларнинг маълум хусусиятини кўрсатувчи лақабларга айланиб кетган. Масалан: *Муҳаммад гулдур, Ҳожи там-там, Қамбар чий-чий* каби. Кўпчилик қушлариинг номи ҳам уларнинг сайрашида чиқарган овозлари билан боғлиқ. *Какку, тра-тра, читтак, гуррак, тор-тор* каби. Лекин тилдаги шу каби ҳодисаларга асосланиб, тилнинг келиб чиқишини тақлидий сўзларга олиб бориб боғлаш, шунинг учун тилшунослар олдига қушлариинг тилини ўрганиш вазифасини қўйиш ҳақиқий мақсадни амалга оширишга оз даражада бўлса ҳам ёрдам бера олмайди.

Ҳақиқатда ҳам қушлар ва ҳайвонлар гапирадими? Фан бундай саволга тўғридан тўғри йўқ, қушлар ва ҳайвонлар гапириш қобилиятига эга эмас, деб жавоб беради. Жониворларнинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз чиқарган товушлари ҳеч қандай маъно англатмайди. Жуда қадим замонларда ота-боболаримизнинг қушлар чиқарган овозларига турли хил маъно берганликлари фольклордан, оғзаки нутқдан маълум. Улар ҳатто қушлар ва ҳайвонлар кишиларнинг гапларига тушунади деб ҳам қараганлар. Масалан, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосларида Бойчибар, Ғиркўкларнинг ўз хўжалари оғир аҳволга тушганда қайғуришлари, хафа бўлишлари; тўти, семурғ, турна каби қушлар гапга тушунувчи жониворлар сифатида тасвирланганлигини кўрамиз. Халқимиз орасида бедананинг сайрашига: “Битбилдиқ, кулчатойни кўп қилдиқ”, попишакнинг овозига: “ху-кукук тут пиш” каби маъно бериш

холларини учратамиз. Ҳақиқатда қушлар ёки ҳайвонлар юқоридаги каби маъноли сўзлар чиқармайди. Унга кишилар маъно беради, холос.

Булардан ташқари, тилшуносликда тақлидий сўзларнинг баъзи грамматик хусусиятлари: образли сўзларнинг товушга тақлид сўзларга, тақлидий сўзларнинг ундовларга муносабатлари ва шунга ўхшаш масалаларда ҳам олимларимиз ўртасида ҳар хил фикрлар бўлиб ўтган. Туркологияда айрим олимлар образли сўзларни товушга тақлид сўзлар билан бир каторга қўйиб, уларга “образга тақлид сўзлар” сифатида қарайдилар. Бошқа бирлари эса уларни бир груҳга бирлаштирмасдан, алоҳида-алоҳида текширганлар. Образли сўзлар билан товушга тақлид сўзлар фонетик, морфологик ва синтактик томондан грамматик категория сифатида бир-бирларига жуда яқин туради. Аммо образли сўзларнинг тақлид сўзлар деб қараш қийин бўлган кўпгина ўзига хос хусусиятлари ҳам учратишимиш мумкин:

1. Семантик томондан товушга тақлид сўзлар кишилар, қушлар ва ҳайвонлар, бошқа турли жониворлар ҳамда жонсиз предметларнинг чиқарган товушларига тақлид қилиш натижасида майдонга келади. Улар асосан эшитиш билан боғланган. Образли сўзлар эса кўриш натижасида майдонга келиб, кишилар ва бошқа жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳолати, ҳаракати ва ташқи кўринишининг тасаввур образларини билдиради.

а) образли сўзлар: *Ҳаёт ичидан отилиб чиққан хўрликка чидай олмай йиғидан, мўлт-мўлт тўкилаётган кўз ёшларидан ўзини тута олмай фигон қилди. Очiq эшикдан Нигора халатининг этаги, лип этиб, муюлишида кўздан ғойиб бўлди* (С. Анорбоев).

б) товушга тақлид сўзлар: *Шашқалоқлаб ғат-ғат қилар, ват-ват қилар вадавоз* (Муштум). *У кишининг мўътабар оғизлари истаган вақтида, истаган катталиқда очилиш қобилиятига эга бўлса керак, шафтоли лўқ этиб ўтиб кетди* (М. Исмоилий). Келтирилган мисоллардаги *ғат-ғат, ват-ват, лўқ* кабилар товушга тақлидни билдирса, *мўлт-мўлт, лип* кабилар предметнинг образли ҳаракатини кўрсатади. Товушга тақлид сўзлар кўпроқ

тезлик, бир лаҳзалиликни билдирса, образли сўзлар бир лаҳзалиликни, моменталликни кўрсатиш билан бирга, тасаввурнинг тўла бир комплексини ҳам акс эттира олади.

2. Генетик томондан образли сўзлар кўпроқ мустақил сўзларга яқин туради. Образли сўзлардаги товуш комплекслари билан улар тасвирлаётган ходисалар ўртасида алоқа йўқ даражада. Товушга тақлид сўзларда эса товуш комплекслари табиатдаги товушларнинг шартлича кўриниши сифатида майдонга келади. Улар ўзи англатган ходисалар билан бевосита боғлангандир. Яъни *лапанг-лапанг*, *талтанг-талтанг*, *лип-лип*, *гилт-гилт* каби образли сўзларнинг товуш комплекси билан англатган маъноси ўртасидаги яқинлик *шарт-шурт*, *гирч-гирч*, *чиқ-чиқ*, *тиқ-тиқ* каби товушга тақлид сўзлар билан улар англатган маъноси ўртасидаги яқинликдан тубдан фарқ қилади.

3. Товушга тақлид сўзлар *этмоқ*, *демоқ* каби ёрдамчи феълларнинг ҳар иккаласи билан ҳам бирика олади. Образли сўзлар эса фақат *этмоқ* ёрдамчи феъли билан бирикади.[56.30-31].

Юқорида кўрсатилган фарқлар образли сўзлар билан товушга тақлид сўзларни бир грамматик категориянинг икки хил, бирини иккинчисига сингдириш мумкин бўлмаган турлари сифатида ажратишга имкон беради. Чунки товушга тақлид сўзлар билан образли сўзларнинг бу фарқларидан ташқари, уларни бир категорияга бирлаштириш ҳуқуқини бера оладиган фонетик, лексик ва стилистик хусусиятлари ҳамда гапдаги функциялари жиҳатидан яқинликлари ҳам мавжуд.

Ундовлар билан тақлидий сўзлар ўртасидаги алоқа бошқача характерга эга. Ундовлар билан тақлидий сўзларнинг бир-бирига яқин, ўхшаш хусусиятлари бор. Масалан, уларни ўзбек тилшунослиги манбалари асосида шундай кўрсатиш мумкин.

1. Тақлидий сўзлар ва ундовлар ҳаракат образи, товуш ва эмоциянинг номини кўрсатмайди, балки уларнинг бевосита ифодаланиши ҳисобланади.

2. Ўндов ва тақлидий сўзлар исм сифатида қабул қилинади. Масалан, *оҳ! уҳ! шарт*, *гурс*, *милт*, *ялт-юлт*, *жилдир-жилдир* ва бошқалар.

3. Ҳар икки категорияда ҳам номинативлик характерининг йўқлиги уларни бошқа категориялардан, туркумлардан ажратиб туради.

4. Ўхшаш аффектив бўёкка, экспрессивликка эга ва бошқалар.

Бу ўхшашликлар асосидагина уларни бир сўз туркумига бирлаштириш мумкин эмасдек кўринади. Чунки тақлидий сўзлар билан ундовларнинг фақат ўзига хос, бир-биридан принципиал равишда ажратиб турувчи хусусиятлари ҳам мавжуд:[56.33-34].

1.Семантик томондан ундовлар сўзловчининг кўпроқ ички кечинмасини, ҳис-ҳаяжонини, буйруқ, хитоб ва илтимосини билдиради. “Уларнинг айрим гуруҳи ўринга, вақтга муносабатни ҳам ифодалайди, аммо бу маъно ҳам эмоционал рангда бўлади”. Тақлидий сўзлар эса кишилар ва бошқа предметларнинг товушлари ва ҳаракатларини нусха олгандек товуш ёки ҳаракат образи сифатида ифодалайди. Эмоционаллик, буйруқ, илтимос тақлидий сўзлар учун хос эмас.

Ундовлар: *Уҳ-уҳ-уҳ! Чучвараку. Ҳай-ҳай, оғизда эриб кетади*

(А. Қаҳҳор).

Тақлидий сўзлар: *Майсара. Ўғридан қочириб қўйдим, дейман. Лекин келиб бундай қуйруғингиздан ушласа „моо” деб қўясизда, шатталайсиз* (Ҳ. Ҳ.Ниёзий). *Энди бўлса биттагина қора йўрға қурт-қурт беда чайнаб турипти* (Ҳ. Ғулом).

2.Ундовлар нутқда модал маъно ифодалаб, бу хусусияти билан юкламалар ҳамда модал сўзларга яқин туради. Тақлидий сўзлар предметнинг ҳаракатини ва товушга тақлидини билдириб, равиш ва сифатларга яқин туради.

3.Тақлидий сўзларда субстантивлашиш кучли, ундовларда эса бу хусусият тараққий этмаган.

4.Тақлидий сўзларда такрорий форма товуш ёки ҳаракатни кучайтиришдан ташқари, ҳаракатнинг бирдан ортиқ бўлганлигини, давомлилигини ҳам билдиради. Ундовларда эса такрор кўпроқ эмоционалликни оширади, ҳис-ҳаяжонни кучли қилиб беради:

Жўрабой отани суяб турган Ғани отанинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилар, тупугини қулт-қулт ютарди (Х. Ғулом). Онаси келганда онасининг кўзларига мўлт-мўлт қарарди, Ҳаёти ҳақида бир нима деярмакин. -Воҳ-воҳ, пешонам! Қизил гулдай, ... — Охун пешонасига шартта уриб давом этди (Ойбек).

5.Таклидий сўзлар сўз яшаш системасида жуда фаол катнашади. Ундовларда, пиш-пиш // пишт-пишт, вой-вой // вой-войла типигаги бир неча ҳолатдан ташқари, сўз ясалиши ҳодисаси йўқ даражада.

6.Ўзбек тилида ундовлар фақат *демоқ* ёрдамчи феъли билан бирика олади. Таклидий сўзлар эса, *этмоқ*, *демоқ* баъзан *қилмоқ* ҳамда бошқа мустақил феъллар билан ҳам бирика олади.

7.Таклидий сўзлар гапнинг мустақил бўлаклари (эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) вазифасида кела олади. Ундовлар эса одатда гапнинг бошқа бўлаклари билан боғланмай, мустақил гап, юклама вазифасида келади.

8.Таклидий сўзларни маълум бир формулага солиш мумкини (ундош+унли+ундош ёки ундош+унли+ундош+ундош). Бу хусусият ҳам таклидий сўзларни ундовлардан ажратиш турувчи принципиал белгилардан биридир.

Ш.Ш.Сарибоев ва М.Худойкулиевлар ундов ва таклидий сўзларнинг бир-бирларидан фарқлари ҳақида гапирганларида Сарибоев таклидий сўзлар луғат фондининг, Худойкулиев ундовлар луғат фондининг ўсмаганини таъкидлаб ўтдилар. Аммо бу фикрларни тўғри дейиш мумкин эмас. Чунки ундовлар учун ҳам, таклидий сўзлар учун ҳам тараққиёт диалектикаси ҳосилдир. Демак, таклидий сўзлар билан ундовлар орасидаги фарқлар уларнинг бир сўз туркуми сифатида эмас, балки алоҳида-алоҳида сўз туркумлари сифатида ўрганилишини тақозо қилади.

1.2. Тақлидий сўзларнинг фонетик хусусиятлари

Тақлидий сўзлар предмет ва ҳодиса товушларининг, ҳаракат ва ҳолатларининг шартли равишдаги кўриниши сифатида майдонга келади. Ўзбек тилида тақлидий сўзлар фонетик шаклланиш жиҳатидан жуда бой ва ранг-баранг хусусиятга эга. Тақлидий сўзлар товуш системасининг табиатдаги тақлид қилинаётган товуш билан ўхшашлиги борлигини инкор қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўлар составидаги ҳар бир унли ёки ундош товуш ўзига хос хусусият касб этади. Бу жиҳатдан тақлидий сўзларнинг фонетик табиатини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Тақлидий сўзлар составида ишлатиладиган товушларни, уларнинг системасини қуйидагича характерлаш мумкин:

1. Унли товушлар. Тақлидий сўзлар составидаги унли товушлар товушнинг асосан тембр жиҳатидан кучли-кучсизлигини англатиш учун хизмат қилади. Товушга тақлид сўзларда **а, о, и, у, ў** унлилари кўпроқ ишлатилади, уларда **э** унлиси ва **ё, я, ю** каби товушлар учрамайди. Унли товушлар, кўпинча, сўзнинг ўртасида келиб, маъно ҳар хиллигини ҳосил қилади: сўз ўзагида кенг унлилар **а, о** ва ўрта кенг унли **ў** келса, тақлид қилинаётган товушнинг нисбатан анча кучлилигини ёки предметиинг ҳажм жиҳатидан ҳам каттароқ ёки кўпроқ эканлигини билдиради; тор унлилар **у, и** тақлидий сўзларнинг унга нисбатан кучсизроқ, кичикроқ ва ҳажм жиҳатидан камроқ нарсанинг товушига тақлиддан пайдо бўлганлигини билдирди (биринчи жадвалга қаралсин):[56.46-47].

1-жадвал

Кенг унлилар	Тор унлилар
<i>вағ-вағ</i>	<i>виғ-виғ</i>
<i>бақир-бақир</i>	<i>биқир-биқир</i>
<i>чақ-чақ</i>	<i>чиқ-чиқ</i>
<i>тўқ-тўқ</i>	<i>тиқ-тиқ</i>
<i>пўк-пўк</i>	<i>пук-пук</i>

<i>жўр-жўр</i> <i>шақ-шақ</i> <i>тарақ</i>	<i>жир-жир</i> <i>шиқ-шиқ</i> <i>туруқ</i>
---	---

Масалан: *Бектемир совуқдан безгакдай титрар, озган, қотган баданини панжаси билан шақ-шақ урарди* (Ойбек). *Нарироқда бирдан ўт шитирлади, атрофга нимадир шиқ-шиқ қилиб туша бошлади* (Ойбек). Унлиларнинг алмашиб, янги сўз ҳосил қилиш ҳодисасини янги лексема синонимларнинг пайдо бўлиш йўлларида бири деб ҳам қараш мумкин. Ўзбек тилида тақлидий сўзларнинг бошланиши ва охирида унли товушларнинг келиш ҳоллари жуда кам учрайди. Икки товушдангина ташкил топган жуда ҳам оз бир бўғинли тақлидий сўзларнинг гоҳ бошланишида, гоҳ охирида унли товушлар кела олади: *Ху-гу, қу-қу, ку-ку, ув, ак-ак* кабилар. *Қайси бир қавакда чумчуқ болалари чирқиллайди, томдан каптарларнинг ўксиз „ху-гу, ху-гу“лари эшитилиб қолади* (Ойбек). *Яна кўзлар баттарроқ ув тортган, хунук, очофат, ваҳший даҳшатнинг ҳўмрайган уфқларида айланади* (Ойбек).

Тақлид қилинаётган товуш давомли эканлигини билдириш учун тақлидий сўз составидаги унли товуш чўзиброқ талаффуз қилинади. Бу эса *гаақ-гаақ, мо-о-о, ба-а-а* каби. Лекин бу ўриндаги унлиларнинг талаффуз этилишини бошқа турк тиллардан ва баъзи ўзбек диалектларидаги та:а (*тоғ*) типдаги чўзиқ унлилар билан тенглаштириш ярамайди. Ҳатто, буларни чўзиқ унлилар дейиш мумкин ҳам эмас. Тақлид қилинаётган ҳолатнинг интенсивлигини бўрттириб кўрсатиш ва унга экспрессив тус бериш мақсадида бир унли орттирилади. Масалан: *шарақа-шуруқ, тақа-тақ, гурса-гурс* кабилар.

2.Ундош товушлар. Товушга тақлид сўзлар составидаги ундош товушларнинг хусусиятлари яна ҳам хилма-хилдир. Тақлидий сўзларнинг

маъноларини белгилашда ундош товушлар кўп жиҳатдан етакчи васифани бажаради. Агар товушга тақлид сўзлар портловчи ундошлар билан тугаса (*шарқ, шарт, гуп, тап, чирқ* каби), товуш кескинлигини ёки уни қисқа-қисқа бўлиниб такрорланишини билдиради. Аммо улар **р, в, з, г, ж, м** каби сирғалувчи ундошлар билан тугаганда эса юқоридаги кескинлик маълум даражада бўшашади: *чир, чиг, гув, виж, виз, шарр* каби: *Мачитдаги кекса бақатерак орқасидан кўтарилган қизғич ўт кўкда оловли из қолдириб, жуда юқорилади ва гўё осмонга урилгандай чилпарчин бўлиб нўп этда* (А. Қаххор). *Тўғонбек дарица орқали таиқарига „чирт“ этиб тупурди-да, сояга разм солиб, Дилдордан хабар олиш учун қўзғалди* (Ойбек). *Бек сўз давомида негадир хир-хир кулади, отини аския ва ҳазил қўйиб, аёлни калака қилиш мақсадида луқмалар таишлабди* (А.Қаххор). *Хотин ҳарам дарвозаси ёнига этиб, остонага қадам босган чоғида бўсагадаги йигит вишиш эттириб қиличини қинидан сугурди* (А. Қодирий). Мисоллардаги *нўп, чирт, пақ, шақ* каби тақлидий сўзларнинг охириги товушини хоҳлаганча чўзиб талаффуз қилиш мумкин эмас. Чунки бу тақлидий сўзлар охиридаги **қ, т, н** каби товушларни талаффуз қилишда иштирок этувчи нутқ органларининг ҳолати, артикуляцион хусусият овозини яна давом эттиришга йўл бермайди: портлаш ҳосил бўлиб, овоз кесилади. Шунинг учун ҳам товушга тақлид сўзлар маъносидаги чўзиқликни кўрсатишда кўпинча **р, з, в, г, ш** каби ундошларнинг қаватлашишидан фойдаланилади. Чунки уларни хоҳлаганча чўзиб талаффуз қилиш мумкин: *Бектемир орқада ниманингдар ҳўммм... деганини эшитди* (Ойбек).

Шундай ундош товушлар ҳам борки (**р, в, з, л, ж**), улар ҳозирги ўзбек адабий тилида соф ўзбек сўзлари бошида келмайди. Тақлидий сўзларнинг бошида эса, **р** товушидан бошқа, уларнинг ҳаммаси тез-тез учраб туради: *вақ-вақ, валдир-валдир, ванг-ванг, виз-виз, жангир-жунгур, жаранг-журунг, жарақ-жарақ, жир-жур, жаг-жаг, жимир-жимир, жиқ-жиқ, жовдир-жовдир, зир-зир, зирқ-зирқ, зув-зув, лақ-лақ, лов-лов, лоп-лоп, лўк-лўк, лип-лип* ва бошқалар.

Тақлидий сўзлариинг фонетик шаклланиши бошқа категория сўзлардан фарқланади. Буларга қўшимча равишда тақлидий сўзларда ишлатиладиган ундош товушларнинг каттиқ, юмшоқлиги ва бу ходисанинг маънога муносабати масаласини ҳам кўрсатиш мумкин. Умуман, ўзбек тилида **п,б,ф, т,с,д,н,м,р,л** каби ундошлар олдинги қатор унлилари билан ёндош келганларида юмшоқлашади. Тақлидий сўзларда эса бу ундошларнинг юмшоқлашиши кўпинча **и** унлиси ёндош келганда юз беради: *пар, лоп-лоп, шалдир-шалдир, жаз-жаз, варақ-варақ, тарс-тарс, пир, лип-лип, шилдир-шилдир, жиз-жиз, виш-виш, тирс-тирс* ва ҳоказо.

Лим-лим сувдан узолмайман кўз,

Тўлқинларда тирик ҳаяжон.

Қуёш, миллион ва мўлليون юлдуз,

Бўлиб унга сочилган маржон (Зулфия).

Ўзбек тилида **қ-к, п-б, т-д** каби ундошлар унли билан ёндош келишидан қатъий назар, каттиқ, юмшоқлик жиҳатидан бир-биридан фарқи сезилиб туради. Ҳатто улар ўртасидаги фарқ рус тилидаги *л-ль, к-къ, п-пъ, т-ть* каби товушлар ўртасидаги каттиқ-юмшоқлигига нисбатан ҳам анча сезиларлидир: *қарс, қулт, пилч-пилч, жиқ-жиқ, туқ-туқ, карс, қилт, билч-билч, жиқ-жиқ, дук-дук* ва бошқалар. *Аёлларнинг кўзларига жиқ-жиқ ёш келди* (Ойбек). *Йўлакда у ёқдан бу ёққа ўтиб қолса, қадамнинг дук-дуки худди жонимни суғуриб оладигандек бўлади* (С. Анорбоев).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида товушга тақлид сўзларнинг бошланиши учун асосан **в, д, ж, п, т, қ, г** ундошлари характерлидир. Товушга тақлид сўзларнинг охири учун эса кўпроқ **с, ш, з, к, г, р, қ, п, т, в** каби ундошларнинг келиши характерлидир: *пақ, пар, ват-ват, гув-гув, вис-вис, тап-тап, чақ-чақ, виқ-виқ* каби.

Унли ва ундош товушларнинг алмаштирилиши ёки қаттиқ юмшоқлиги товушга тақлид сўзлардаги каби образли сўзлар ифодалаган маънога ҳам таъсир қилади.

Образли сўзларнинг бошида **б, д, ж, н, с, ч, ш, з** ундошлари, охирида **т, н, р, қ** ундошлари келади. **Л, п, к** товушлари эса ҳар учала ҳолатда ҳам келаверади: *милт-милт, пилдир-пилдир, дик-дик, ял-ял, жилпонг-жилпонг* каби. Образли сўзларнинг унлилар системасида товушга тақлид сўзларда ишлатилмайдиган **я, ю** графемалари ҳам мавжуд. Бу эса образли сўзларнинг товушга тақлид сўзлардан фарқини кўрсатувчи яна бир ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз асосида икки ундошнинг кўшалокланиб келиши учрамайди. Ҳозиргача биз фольклор ва оғзаки нутқда иккитагина сўзнинг бирдан ортиқ ундош билан бошланганлигини учратдик, холос: *драк-драк* (“Алпомиш” достони).[12.64]. Тақлидий сўзларнинг охирида икки ёки ундан ортиқ ундош товушнинг келиши ўзбек тилида тез-тез кўзга ташланиб туради: *пирт-пирт, шарт-шарт, тарс-турс, қарс-қурс* ва бошқалар. Тақлидий сўзлар охиридаги қўш ундошлар кўпинча **р, л** каби сирғалувчилар билан **с, т, қ, к, ч, п** каби ундош товушларнинг бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Хуллас, тақлидий сўзлар составида **в, д, ж, н, т, з, г, ш, қ, р** каби ундошлар кўп учраса **н, м, б, с** каби товушлар камроқ учрайди. (Мисоллар учун тадқиқотнинг охирида берилган тақлидий сўзлар луғатига мурожаат қилинг).

Тақлидий сўзлар бўғин тузилишига кўра ҳам ўзларига хос хусусиятга эга. Яъни улар асосан биргина ёпиқ бўғиндан ташкил топади. Очик бўғинли тақлидий сўзлар бармоқ билан санарлидир. Ҳозирги замон ўзбек тилида бир унлидан ташкил топган биттагина тақлидий сўзни учратдик: *ў — ў — ў*; (Ҳамза). Тақлидий сўзлар, умуман, бир ва икки бўғинли бўлади. Уч ёки ундан ортиқ бўғинли тақлидий сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди. Ҳозирги ўзбек тилидаги тақлидий сўзларнинг бўғин тузилишини куйидагича кўрсатиш мумкин:

1. V = бир унли: *ў — ў — ў — эчки* товушига тақлид.

2. $V + C =$ унли + ундош: *ув тортиб йиғламоқ, юм-юм йиғламоқ, ак-ак хурди кабилар. Мисоллар: Куёш ял-ял ёнар. Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас, „инг” йўқ, „гинг” йўқ ишлай беради (Ойбек).*

3. $C + V =$ ундош + унли: *Навбат қўй-эчкиларга келди. Ҳаммаёқни ба-бу босиб кетди.*

4. $V + C + C =$ унли + ундош + ундош: *Навоий ялт этиб қаради (Ойбек, Навоий).*

5. $C + V + C =$ ундош + унли + ундош:

Кўкда менинг бошимда туриб,

Гўё юрагимдай қалқди у,

Кўзимдаги ёшимни кўриб,

У ҳам тўкди ёшини дув-дув (Зулфия).

6. $C+V+C+C=$ ундош + унли + ундош + ундош: *Сал бўшадими, ики қўлим қайси бир очик мазордаги худонинг газабига учраган қарздорнинг ёқасидаю, шилқ-шилқ кўча чангитганим-чангитган (Ҳамза). Ўктам. қўлларини чарс-чарс товуш билан ёнган печкага узатди. (Ойбек.) Этикчи бошини эгиб, бу ҳаммани рад қилди, бўлмаса тарс ёрилар эди (С. Айний).*

7. Икки бўғинли тақлидий сўзлар:

а) $CVCC + VC =$ ундош + унли + ундош + ундош + унли + ундош: *милт + ир, шалп + анг - шалп + анг каби.*

б) $CVC + VC =$ ундош + унли + ундош + унли + ундош: *ғиж + ир - ғиж + ир, дуп + ур - дуп + ур, ғим + ир - ғим + ир каби: Дастлаб уларга ҳар хил қушларнинг вижир-вижир қилиб, ёқимли сайраши эшитилди (Ҳ. Назир).*

в) $V + C + C + V =$ унли + ундош + ундош + унли:

Гоҳо бирдан гапни қовуштирмас,

Чақалоқнинг инга-ингаси (Мирмуҳсин).

г) $C + V + V =$ ундош + унли + унли; *Ҳовли юзида айланиб юрган оқсоқ мушук тўкилган, жўхорини искаб кўрди, маъқул бўлмади шекилли, Туробжонга қараб шикоятомуз “мау” деди (А. Қахҳор).*

Бир бўғинли тақлидий сўзлардан энг кўп учрайдигани бешинчи (C+V+C) ва олтинчи (C+V+C+C) кўринишларидир. Бир бўғинли тақлидий сўзлар (C+V+C) ҳаракат ёки товушнинг қисқалигини билдириш учун хизмат қилади: *тиқ, вағ, виш, вит, гун, пир, шўп, лоп, лик, тик, виз, гир, тўп* ва бошқалар. Албатта, бундай ўринларда интонация ҳам катта вазифани бажаради. Яни “*виш*” тақлидий сўзнини “*ви*” деб қисқа айтиш мумкин ёки уни “*вишиши...*” каби чўзиб талаффуз қилиш ҳам мумкин. CVC кўринишидаги тақлидий сўзларга *т, н, қ, с* каби структура элементларини орттириш билан янги типдаги бир бўғинли тақлидий сўзлар ҳосил бўлади: *гурс-гурс, қарт-қарт, пирқ, пирт, чирт, чарс, чирқ, шалп, ширқ, милт* кабилар. Лекин бир бўғинли тақлидий сўзлар хоҳ ясовчи элемент олмасин, хоҳ у структура элементи билан бирликда CVC+C кўринишида келмасин, бари бир товуш қисқалигини, ҳаракат кескинлигини билдиради.

Бир бўғинли тақлидий сўзларга - *ир, - ур, - (а) нг, - (у) нг* каби структура элементларн қўшилганда, бошқача ҳолат юз беради. Бундай вақтларда икки бўғинли тақлидий сўзлар ҳосил бўлади. -*ир, -(а) нг* каби структура элементлари тақлидий сўзларнинг бошланғич маъносига кўшимча маъно оттенкасини беради. Бундай икки бўғинли тақлидий сўзлар товуш ёки ҳаракатнинг (ҳаракат образининг) давомли бўлганлигини, предметнинг бирдан ортиқлигини билдиради. Лекин асосий маъно бундай тақлидий сўзларнинг биринчи бўғиндалигича қолаверади.

– *ир* структура элементининг англатган маъноси, функцияси *чоп, теп, қаши* каби феъллардан *чопқила, тепкила, қашила* типда яна феъл ясовчи -*ла* кўшимчасининг вазифасига тўғри келади. Тақлидий сўзлар такрорланганида улар составида турли хил товуш ўзгаришлари юз бериши мумкин (товуш ўзгариши асосан иккинчи компонентда бўлади). Бу ўзгаришлар, юқорида айтганимиздек, тақлидий сўзларнинг маъноларига ҳам таъсир қилади. Ҳозирги ўзбек тилида тақлидий сўзлар составида *а* товушининг у га ўтиши жуда кўп учрайди. Бу ҳолат бутун туркий тиллар учун ҳам қонунийдир (иккинчи жадвалга қаралсин):

Жуфт тақлидий сўзларда бундан бошқа унлиларнинг алмашилиниши хам кўриш мумкин: и-у (*қий-чув*), о-у (*шов-шув*), я-ю (*ялт-юлт*) ва ҳоказо.

2-жадвал

Т И Л Л А Р			
Ўзбек	Қозоқ	Қирғиз	Туркман
<i>тарс-турс</i>	<i>тарс-турс</i>	<i>тарс-турс</i>	<i>ваззы-вуззы</i>
<i>аланг-буланг</i>	<i>аланг-буланг</i>	<i>бачыр-бучур</i>	<i>габир-губыр</i>
<i>гарч-гурч</i>	<i>баж-буж</i>	<i>жарк-журк</i>	<i>галк-гулк</i>
<i>дангир-дунгур</i>	<i>дан-дун</i>	<i>жалт-жулт</i>	<i>лак-лук</i>
<i>тақир-туқур</i>	<i>тақыф-туқыр</i>	<i>кажы- кужу</i>	<i>шакыр-шукур</i>
<i>тақ-туқ</i>	<i>тақ-туқ</i>	<i>так-тук</i>	<i>шалдыр-шулдур</i>
<i>шарқ-шурқ</i>	<i>бал-бул</i>		
<i>парт-пурт</i>	<i>жалт-жулт</i>		

Ундош товушларнинг алмашилиши:

Б-Ч: Улар гулларни тисанд қилмай, бақириб-чақириб, увуллаб-чувуллаб кела бошладилар.

Қ-Ч: Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суюқ берилди (А.Қодирий).

Қ-Б: Ҳатто хушнавозларга жўр бўлаб, баралла ялла қилгим, катта давраларда қарс-бадабанга ўйнагим келади.

В-Ш: Вағир-шатр (“Алпомиш” достонидан).[12].

Г-В: Тракторлар гуриллаб-вариллаб ёввойи жийда, турунгу,тол, дўланани таг томири билан кўтариб ташлади (А.Қахҳор).

П-Ғ: Жимликни унинг пиқ-ғиқ йигиси бузарди.

Т-Ч: Т товушининг Ч га ўтиши онда-сондагина учрайди: Баҳром елкасини қашиб, кавилик оёғи билан кависиз оёғини “тап-чип, тап-чип” ерга босиб ичкарига кириб кетди (А.Қодирий).

F-Ш: *Қанча говур-шувур, бир тала туп бўлиб ётган девлар ўтди, ҳаммаси йўқ бўлиб кетди* (“Маликаи айёр” достонидан).

П-Ш: *Холмат... Пичоқни шу Ҳасан аканг урадима?! Чумчуқ пир этса, юраги шир этади-ю, бунинг* (Ҳамза).

Т-П: *Нури онасини ёлғиз учратиб, уни ийдирини учун эркаланиб, секингина мақсадини айтди. Онанинг кўзи така-пука бўлди* (Ойбек).

Таклидий сўзларда товуш алмашиниши кўпинча эшитиш ва кўриш билан боғланган. Баъзан эса бунга лексик-фонетик процесслар ҳам ёрдам беради. Таклидий сўзлар составида товуш алмашинишидан ташқари товуш орттирилиши, тушириб қолдирилиши ёки уларнинг ўринларини ўзгартириш каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлган яна бир қанча фонетик процесслар ҳақида гапириш ҳам мумкин.

1.Таклидий сўзлардан бошқа сўз туркумлари ясалганида баъзан таклидий сўзлар составидаги жарангсиз ундош товушлар жаранглиланиши мумкин: *Момақалди роқ - момагулди рақ*.

2.Таклидий сўзлар ўртасида ёки охирида бир унли орттирилишини анаптаксис (товуш қўшиш) ҳодисаси дейилади.

а) Таклидий сўз ўртасида:

Ҳай, бой!

Ичи гирич-гирич мой!

Бети довул, бурни сурнай,

Буқун сендан қимматлироқ бир замбар лой. (Ҳамза)

Ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охири гадоё бўлади. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни жарақ-жарақ санаб оладилар (Ойбек).

б) Таклидий сўз охирида:

Шиппа-шип қамчи тортти

Қор-ёмғирдай тўкилиб (“Равшан” достонидан).

3. Бир хил ўзакдан иборат бўлган таклидий сўз составида ундош товушлар ўрнининг алмашиниб келиши метатеза ҳодисаси дейилади:

Тун совуғи билан қотган лой синиқ ишиша парчаси каби қирс-қирс ушалади (Ойбек).

4. Кўпинча, тақлидий сўзлардан *-ра* аффикси орқали феъллар ясалганда, тақлидий сўз охиридаги *и* унлиси тушиб қолади. Бунга тилшуносликда элизия ҳодисаси деб қаралади: *хўнгир-хўнгир* = *хўнгра, ингир-ингир* = *ингра* ва б. Эски ўзбек тилида бундай ҳодиса учрамайди:

Неча муддат йўқ эди, ул қайданам ҳозир бўлди.

Ош орусда ҳангираб, кўп қилда гавго баччағар. (Мукимий).

Тақлидий сўзлар составидаги ҳар бир унли ёки ундош товушнинг ўзгариши уларнинг маъносига кучли таъсир қилади. Ўзбек тилида тақлидий сўзлар асосан туб ҳолатда бир бўғиндан ташкил топади. Икки бўғинли тақлидий сўзлар эса, уларга структура элементлари кўшилиши натижасида вужудга келади. Фонетик ҳодисаларнинг асосан барчаси кишиларнинг талаффуздаги осонликка интилишларидан келиб чиқади. Кишилар кўпинча талаффузи қийин товушни талаффузи осонроқ товуш билан ёки чуқур тил орқа товушларни тил олди товушлари билан алмаштирадилар. Лекин тил олди товушларининг тил орқа товушлари билан алмаштирилиши ўзбек тилида учрамайди. Бундан ташқари, баъзан талаффузда ортиқчадек кўринган товуш туширилиб қолдирилса, баъзан эса ноқулайликдан қутулиш учун тақлидий сўзларга бир ундош орттирилади: *гум* тақлидий сўзига *-ир* структура элементини орттириш учун унга *б* ундош товуши қўшилиб *гум + б + ур = гумбур* тарзида кўлланади.[56.60-61].

Б.Делбрюк фонетик ўзгаришларнинг сабаблари тўғрисида қуйидагича ёзган эди: “Қулайлик ҳамма ҳолатларда ҳам фонетик ўзгаришларнинг сабаби ҳисобланади ва шундай бўлиб қолади ҳам”. [56.61].

1.3. Тақлидий сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари

Ўзбек тилида тақлидий сўзлар катта бир лексик гуруҳни ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тилидаги кўпгина от, сифат, феъллар тақлидий ўзаклардан ясалгандир. Тақлидий сўзлар бадиий адабиётда, оғзаки нутқда, фольклорда жуда кўп ишлатилиб, улар нутққа бадиий бўёқ, экспрессивлик беради.

Тақлидий сўзларнинг тараққиёти ва ҳозирги ўзбек тилида тутган ўрни масаласига ҳам худди шу нуқтаи назардан қараш керак. Тақлидий сўзлар тарихий категориядир. Ўнинг пайдо бўла бошлаши жамиятнинг одамлар ўз нутқ органларини анча яхши бошқара олиш қобилиятига эга бўлган даврларига тўғри келади. Қадим ибтидоий даврларда тақлидий сўзлар жуда кам, ҳатто, йўқ даражада эди. Бу тўғрида Б.М.Юнусалиевнинг Ўрхун-Енисей ёдгорликлари лексикасида товушга тақлид сўзлар ҳеч қандай ифодасини топмаган деган фикрига қўшилиш мумкин.

Б.М.Юнусалиев фикрини бизнинг ўзбек тили тарихи бўйича олиб борган кузатишларимиз ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатда ҳам тақлидий сўзлар эски ўзбек тили луғат составида жуда камдир. Фольклор ёзма бадиий адабиётнинг тараққийси натижасида ёзувчиларнинг бадиийликка интилишлари, табиат тасвирини иложи борица аниқ қилиб тасвирлашга интилишлари натижасида тақлидий сўзларнинг сони ошиб борган. Лекин бундан тақлидий сўзлар аста-секин жуда кўпайиб кетиб, бошқа сўзлар ўрнини ҳам олар экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки кишилар ҳар йил маълум ҳодиса товушини ёки образини тасвирлашда унинг учун янги тақлид ёки образли сўз ўйлаб топишга ҳаракат қилмайди, балки, кўпинча, тилда мавжуд имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида турли хил механизмлар, мотор, транспорт кабиларнинг ҳаракатидан пайдо бўлган товушларни кўрсатиш учун *дид-дид, жиринг-жиринг, гув-гув, тир-тир, варанг-варанг, визз, гур-гур, вагир, гулдур-гулдур, пат-пат* каби ўнлаб тақлидий сўзлар

ишлатилади. Бу механизмлар, курулларнинг пайдо бўлиши билан юқоридаги тақлидий сўзлар уларга нисбатан ҳам қўллана бошлаган. Яъни кишилар ўзларининг луғат составидаги тақлид сўзлардан янги предметлар товушини акс эттиришда ҳам фойдалана бошлаганлар. Демак, бу тақлид сўзлар илгари бошқа нарса ва ҳодисаларнинг товушларини тасвирлаш учун қулланилиб келган бўлиб, ҳозир уларнинг маъно ва қўлланишлари кенгайгандир.

М.Қошғарийнинг луғатида қирққа яқин тақлидий сўзларнинг изоҳи берилган: *улиғу* (*увламоқ билан боғлиқ*), *ўҳи* (*укки*), *асурмоқ* (*акса урмоқ*), *урпарди* (*хурпайди*), *аграшди* (*ўқрайишди*), *ангиллади* (*ҳангради*), *чаб-чаб* (*шап-шап маъносида*), *заб-заб* (*юришда оёқдан чиққан товушга тақлид*), *чар-қур*, *тос-тос* (*тўс-тўс*), *жиф*, *тақ-тақ*, *чақ-чақ*, *дук*, *дик*, *чирт*, *сарт-сурт*, *халф-хулф*, *қарт-қурт*, *қурт-қурт*, *қарч-қурч*, *чарс-чарс*, *қарс-қарс*, *гулф*, *чалқ-чулқ*, *бадар-бадар*, *тақир-тақир*, *жикир-жикир*, *чигил-чигил*, *чалдир-чалдир*, *жур-жур*, *қур-қур* кабилар.

Алишер Навоий ва унинг замондошлари тилида тақлидий сўзларнинг кўпроқ ишлатилганини кўрамиз.

Муқимий, Завқий асарларида эса уларга янада кўпроқ мурожаат қилинган. Айниқса, Ҳ.Ҳ.Ниёзий тақлидий сўзлардан ўз мақсадларини янада бўрттириб бериш учун фойдаланишга ҳаракат қилган. Унинг 1958 йили нашр қилинган танланган асарларида: *гулдур*, *ялт-юлт*, *шатир-шутур*, *шир-шир*, *дупур-дупур*, *гирич-гирич*, *жангир-жунгир*, *гар-гар*, *шув*, *тарақа-туруқ*, *диринг-диринг* каби юзга яқин тақлидий сўз ишлатилган. Лекин тақлидий сўзларнинг ўзбек тили тарихида тутган ўрнини ўрганишда бир қанча қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Чунки эски ўзбек тилидаги ёзма ёдгорликларининг асосий қисми формал томондан ҳеч қандай ўзгаришсиз бир неча хил ўқиш мумкин бўлган араб алифбосида ёзилган эдики, бу биргина тақлидий сўзларни эмас, умуман, тил фактларини текширишда катта қийинчиликлардан ҳисобланади.

Тақлидий сўзларда фонетик ҳар хилликлар ҳам учрайди, уларда фонетик ўзгаришлар ҳам юз берган: М.Қошғарийда *сигирчиқ*; (1 том, 460-

бет) бўлса, ҳозирги ўзбек адабий тилида у *чугурчи*; М. Қошғарийда *урпарди* (1том, 190-бет), ҳозирги ўзбек адабий тилида *хурпайди*; М.Қошғарийда *ограшди* (том, 237-бет) ҳозирги ўзбек адабий тилида *ўқрайшиди* кабилар.

Тақлидий сўзлардан ёзувчилар стилистик мақсадда фойдаланганликлари кўзга яққол ташланиб туради. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўладики, тақлидий сўз олиб ташланса, гапнинг маъноси тўлиқ англашилмай қолади. Тақлидий сўзнинг ўринли ишлатилиши билан гапга ҳам ифодалилики киритилади, ҳам бадиийлик берилади ва шу билан бирга маъно ойдинлашади. Масалан: эски ўзбек тилидан:

*Махташиб отларини дерки, бу дулдур-дулдур,
Байталим баркаши зўрки, филдур-филдур,
Қиладир лоф уришиб, кузлари мўлдур-мўлдур,
Оқжар одамларини тўнлари жулдур-жулдур,
Билмадим туркму, тожик тиллари гулдур-гулдур*

(Муқимий).

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидан: „...Аммо „пар-пар“ уча бошлаган қирговулар ўйини бўлди. У шарпага ортиқ парво қилмай қушлар галасини завқ билан томоша қила бошлади... Ботирали бугунги овидан мамнун бўлса-да, шу манзарани кўрганда ўзини босиб туролмадида, қарговулар галасига яна потирлатиб ўқ уза бошлади.

Ҳамза, Танланган асарлар; 100 ўринда; А.Қаҳҳор, “Сароб”, 47 ўринда, „Қўшчинор чироқлари», 213 ўринда, Ойбек, „Навоий”, 192 ўринда; Ш. Саъдулла, „Шеър ва эртаклар”, 106; С.Анорбоев, „Оқсой шалолалари”, 213; Қ.Муҳаммадий, Танланган асарлар, 118; М.В.Шолохов, „Инсон тақдири”, 50 ўриндй; М.Исмоилий, „Фарғона тонг отгунча”, 410 ўринда тақлидий сўздан фойдаланилган.

Тақлидий сўзлар поэтик нутқда ҳам қўлланади. Аммо болалар адабиётини ҳисобга олмаганда, поэзияда тақлидий сўзлар прозага нисбатан камроқ ишлатилади.

Масалан, талантли шоир Ғ. Ғулом асарларининг I томини олиб кўрсак, унда 50 га яқин тақлидий сўздан фойдаланилганини кўрамиз. Тақлидий сўзларга фольклорда ҳам тез-тез мурожаат қилинади: Масалан, “Алпомиш” достонининг 214 ўрнида, “Маликаи айёр” достонининг 41 ўрнида тақлидий сўзлардан фойдаланилган. Мисоллар:

*Дубилга бошида дўнгиллаб,
Карк қубба қалқон қарқиллаб,
Талла поянак урилган,
Узангилар шарқиллаб,
Бедов отлар диркиллаб.
Олғир қушдайин чарқиллаб,
Қўлда найзаси сўлқиллаб,
Юрмоқчи қалмоқ йўлига (“Алпомиш” достонидан).
Белда беллик булкиллаб,
Мухторда сув ширқиллаб,
Йўлга тушда бек Равшан,
Жийронқуш от диркиллаб. (“Равшан” достонидан)*

Тилда, кўпинча, бирор нарса товушини ёки ҳаракат-ҳолат образини ифодалаш учун бир неча хил тақлидий сўзлар ишлатилади. Тақлидий сўзлар системасида синонимларнинг пайдо бўлишига, биринчидан, бирор ҳодисага турли кишининг турлича тақлид қилиши сабаб бўлса, иккинчидан, бир кишининг ҳам ўша ҳодисага турлича географик шароитда турлича тақлид қилиши сабаб бўлади. Ўзбек бадиий адабиёти бўйича олиб борган кузатишларимизда ва шахсий тажрибамизда тақлидий сўзларнинг бир қанча синонимик формаларини учратдик. Бу ўринда уларнинг ҳаммасини келтириш мумкин эмас, албатта, унга эҳтиёж ҳам йўқ. Шунинг учун айрим тушунчаларга нисбатан қўлланган баъзи бир синонимик тақлидий сўзларни келтириш билан чегараланамиз. Масалан, эшик очилганда чиқадиган товушни кўрсатиш учун *”гит”* (А.Қахҳор), *гарч-гурч* (Ойбек), *гирч* (Ойбек), *гийт* (А.Қахҳор, С.Анорбоев), *гижир* (Ойбек) каби тақлидий сўзлардан;

ўтириш ҳолатини кўрсатиш учун: *чўнқаймоқ* (Ҳ.Ғулом), *чўққаймоқ* (Ҳ. Ғулом) ва шу каби мункайиб ўтирмақ, ҳурпайиб ўтирмақ, серрайиб ўтирмақ каби бир неча хил формалардан фойдаланилади. Аммо бундай ҳолатни кўрсатувчи тақлидий сўзларнинг асосий қисми юқоридагилар каби феъл формасида қўлланади, холос.

Доира чалинган вақтда чиққан товушни тасвирлаш учун даранглатмоқ, *ғиж-банг*, *така-тум-так* (А.Қаҳҳор), *так* (“Муштум”), *ғиж-бада-банг*, *ғижданг-ғижданг*, *бақа-банг*, *қарс-бадабанг* каби тақлидий сўзлар қўланилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *қарамоқ*, *йигламоқ*, *кулмоқ* каби тушунчаларни англатишда бир қанча синонимик тақлидий сўзлардан фойдаланганилганлигини кўрамиз. Масалан, қарамоқ тушунчасини турли хил оттенкаси билан беришда қуйидаги тақлидий сўзлар ишлатилади: *аланг-жаланг*, *жовдир-довдир қарамоқ*, *ола-кула*, *довдир-жовдир*, *мўлт-мўлт*, *ғилт-ғилт* ва ҳоказо. Булардан ташқари, қараш тушунчасини билдиришда кўпгина тақлидий феъллар ҳам қўлланади: *жов-дираб...*, *аланглаб...*, *бақрайиб...*, *анграйиб...*, *ҳўмрайиб*, *ишшайиб...*, *қарамоқ* ва ҳоказо.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *ув тортиб йигламоқ*, *уввос тортиб йигламоқ*, *ув-в...*, *пиқ-пиқ...*, *ҳўнг-ҳўнг...*, *ҳўнгир-ҳўнгир...*, *ўкраб*, *инга-инга...*, *баг-баг*, *пих-пих*, *чир-чир йигламоқ* каби бир неча синонимик тақлидий сўзлар қўлланади. Кулишнинг турли хил оттенкаларини бериш учун ҳам синоним тақлидий сўзлардан фойдаланилади. Мисоллар:

Хаётда учрайди ҳар хил кулгилар:

Илжаймоқ, тиржаймоқ, қаҳқаҳа урмоқ (“Муштум”).

...Миркомил бойвачча... дам хотинларининг оғизларига вино тутди, уларга нималарнидир шивирлаб, “ҳиринг-ҳиринг” кулада (Ойбек). Ашир мастликдан юмилаёзган кўзини йилтиратиб, ҳингир-ҳингир кула бошлади (С. Анорбоев). Атрофда пиқир-пиқир бошланди (А.Қаҳҳор, Сароб). Одамлар ғир-ғир кулмоқда (А. Қаҳҳор.). -Қих-қих-қих...-кулди Мажидиддин қора қуюқ соқолини серкиллашиб (Ойбек, Навоий).

Ҳам ўзи дилкаш йигит, Ишни пухта қилада. Бир айби шуки, чўлоқ. Хах-хах-ха (Ойбек). *Йўгон киши худди гозга ўхшаб “гат-гат-гат” қилиб кулди* (А. Қаххор).

Булардан ташқари кулиш пайтидаги товушга тақлид натижасида пайдо бўлган тақлидий сўзларнинг кўплаб синонимик формаларини келтириш мумкин: *шарақлаб кулмоқ, ирвайиб кулмоқ* (Ҳамза), *қийқириб-қийқириб кулмоқ* (Ҳ.Ғулом), *қиқиқлаб кулмоқ* (А.Қаххор) ва ҳоказо. Мисоллардаги тақлидий сўзларнинг барчаси кулиш моментини характерлаб кўрсатиш учун ишлатилган. Аммо бу тақлидий сўзларнинг ифодалаган ҳодисаларини тамоман бир хил деб қараб бўлмайди.

Улуғ англиз олими Ч.Дарвин “Оқ товукнинг ҳамма патлари оқ бўлсада, бу оқ патлар бир-бирларидан фарқ қилади” деганидек, умуман, бир неча синонимик сўзлар бир ҳодисани кўрсатиш учун хизматқилса ҳам, ҳар бир синонимик тақлидий сўз англатган маъно ўзининг маълум маъно оттенкаси билан иккинчисидан фарқ қилади. Яъни *қаҳ-қаҳ* уриб кулиш пайтидаги товуш билан *пиқ-пиқ* этиб кулди гапидаги тақлидий сўз ифодалаган товушни тенглаштириш мумкини эмас.

Шундай қилиб, тақлидий сўзлар ўзбек тили лексикасида катта ўрин тутади; улар тарихий категория бўлиб, уларнинг пайдо бўла бошлаши жамиятнинг анчагина тараққий этган даврига тўғри келади. Бу эса тақлидий сўзларнинг маъносидаги силжишлар, синонимик тақлидий сўзларнинг пайдо бўлиши ҳамда ўзбек тилига бошқа тиллардан кирган неологик тақлидий сўзлар ҳисобига бўлади. Тақлидий сўзлар турли хил лексик маъноларга эгадир. Улар полисемантик, омонимия ва синонимия хусусиятларига ҳам эга бўлиб, бадиий адабиётда, асосан, стилистик васифа бажаради.

Тақлидий сўзларнинг семантикаси жуда ҳам хилма-хилдир. Уларнинг баъзилари предметларнинг чиқарган товушларини ифодаласа, баъзилари предметларнинг ҳолат, ҳаракат ва ташқи кўринишини ифодалайди. Яна бир хиллари эса киши организмда пайдо бўлган сезгиларни ва бошқа хиллари абстракт маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади: *Шоир аста юриб*

минбарга чиқди. Ҳамма бирдан гув этиб ўрнидан турди. Тик этган товуш йўқ (Ойбек, Навоий). Искандаров бирдан бошини кўтарди, ялт этиб Абдулла Ҳусайнга қаради (Ойбек). Шарофатнанг юраги шув этиб кетди (А. Қахҳор).

Тақлидий сўзларнинг маъносидаги бу ҳар хиллиликни ҳисобга олиб, уларни маълум семантик группаларга ажратиш талаб қилинади. Н.И.Ашмарин туркологияда биринчи марта тақлидий сўзларни семантик ва физиологик хусусиятларига кўра классификация қилиб, уларни беш группага ажратади:

1. Товушга тақлид.
2. Ҳаракат ва ёруғлик ҳодисаларга тақлид.
3. Кишининг сўзлаш аппарати манбаида пайдо бўлган товуш ҳодисаларига тақлид.
4. Киши организмидаги товуш характериға эға бўлмаган ҳодисаларга тақлид.
5. Болалар сўзларига тақлид.

Н.И.Ашмарин бу классификацияға ўзининг бошқа ишларида ҳам амал қилади. ”Ўрта Волга бўйи тилларида тақлид” асарида тақлидий сўзларнинг семантик хусусиятларини анча кенг ёритади. Айниқса, у нутқ аппаратларида пайдо бўлган тақлидий сўзларни кўпроқ ёритиб беришға ҳаракат қилган. Тилшунос олимлар ўз асарларида тақлидий сўзларни семантик томондан икки группага ажратган эди: товушга тақлид сўзлар, образли сўзлар.

1. Товушга тақлид сўзлар. Бу тақлидий сўзларнинг бир кўриниши бўлиб, кишилар, жониворлар, нарса ва ҳодисаларнинг чиқарган товушларига шартли равишда тақлид қилиш натижасида найдо бўлади: *қарс, қарс-қурс, тарс-тарс, тик, тик-тик, тук-тук, дук-дук, қирс, карс-курс, кирт-кирт, шилт, шилт-шилт* каби.

Товушга тақлид сўзларнинг асосий қисми бир ёки икки ёпиқ бўғиндан ташкил топади. Такрорланганда асосан шу тақлид сўз гоҳ ҳеч ўзгармайди, гоҳ маълум фонетик ўзгаришға учрайди. Бу хил фонетик ўзгаришлар тақлид сўзнинг семантикасиға таъсир қилади. Якка ҳолда қўлланган тақлид сўз

маълум ҳодисанинг бир марта бўлганлигини, бир лаҳзалиликни англатса, улар такрорланиб келганларида ҳаракатнинг динамикасини, бир неча марта такрорланганлигини, давомлилигини билдиради. Товушга тақлид сўзларни қай ҳолатда, ниманинг товушига ёки тақлид қилинаётган бир жинсдаги нарса ва жониворларнинг ўзаро фарқларига қараб бир неча турларга бўлиш мумкин. Аммо биз уларни энг аввало жонли предметлар товушларига, жонсиз предметлар товушларига тақлид деб иккига ажратамиз.

1. Жонли предметлар товушига тақлид. Жонли предметлар товушига тақлид билдирадиган сўзлар бир неча группаларга бўлинади: Кишиларнинг турлича ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган тақлид сўзлар товуш ва бошқа органларининг бир-бирларига яқинлашиши билан туғиладиган тақлид сўзлар, бундан бошқа ҳолатларда юзага келган товушга тақлид сўзлар ва бошқалар:

1) кишиларнинг ҳаракатларидан пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар.

а) *-Вой ўлай! - деб юборди онаси ўнг қўли билан ўз бетига шоп эткизаб уриб. Сўнгра асфальт кўчада туфлистинг дук-дук этган овози эшитилди (О. Ёкубов). Хусайн Бойқаро товоқни кўтариб, қатиқни чинакам иштаҳа, тўғриси, самимий ният билан “хўр-хўр” ичар экан, дарвеш гор оғзига чўққайиб жаврай бошлади (Ойбек, Навоий).*

б) *Тўғонбек индамади, даструмоли билан кенг, сертук кўкрагини елиб, атрофга “чирт-чирт” тупук отиб ўтирди-да, ниҳоят ҳўмрайиб кампирга қаради (Ойбек, Навоий).*

в) *Кимдир пиқ этиб кулиб қўйди. (А.Қаҳҳор). Шўх жувон экан шекалли, чолни масхара қилиб, пиқ-пиқ кулибди (Ҳ.Ғулом). Бек сўз давомида негадир хир-хир кулади, отини аския ва ҳазил қўйиб, аёлни калака қилиш мақсадида луқмалар таишлайди (А.Қаҳҳор) .*

г) *Камина ҳўнг-ҳўнг йиглаб, кўп таъсирланиб, худога ялиндики... шарафли ишлар қилиб, жамийки мақсадингизга етқайсиз (Ойбек).*

2. Турли хил ҳайвон ва жониворлар товушига тақлид. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳайвонлар ва бошқа жониворларнинг товушларига тақлид натижасида пайдо бўлган сўзлар ҳам кенг қўлланади. Бу хил товушга тақлид сўзлар ранг-баранг бўлиб, улар қуйидагича:

а) Ҳайвонлар товушига тақлид: *Мо-о-о, Бехосдан Кураштепа томондан сигир маъради* (С.Анорбоев). *Майсара. Лекин мен секин йўталсам секин, каттиқ йўталсам қаттиқ эчкига ухшаб “ў, ў, ў” дейсиз, чунки индамай турсангиз эҳтимол сезиб қолар* (Ҳамза). *Сидиқжон шундай қаттиқ кулдики, бурчакда кулча бўлиб ётган мушук шоишб ўрнидан турди ва Сидиқжонга қараб миёв деди* (А. Қахҳор).

б) Паррандалар товушига тақлид:

Ана ўрдак, ана гоз

Хўрозимиз хуш овоз.

Чақаради: “ку-ку-ку”!

Келинг, бунда дон кўпку (Қ.Муҳаммадий).

в) Бошқа хил жониворлар товушлари билан боғланган тақлид сўзлар:

... Йўгон, кучли, ҳайбатли илон “виж” этиб бошини ўйнатади, дам иккинчи халтадан кичкина югурик мангусни ўртага солади (Ойбек).

3. Жонсиз предметлар товушига тақлид сўзлар. Кишилар табиатдаги жисмларнинг синиши, эгилиши, узилиши, бир-бирига урилиши. каби ҳаракатлар натижасида чиқарган товушларини, механизмларнинг ишлашидан, қуроллардан ўқ узишда пайдо бўлган товушларни ва шунингдек суюқ жисмларнинг оқишидан, бир нарсадан иккинчи нарсага қўйилишидан, қайнашидан ҳамда предметларнинг узилишидан чиққан товушларни эшитадилар. Одамлар предметларнинг синиш, узилиш, эгилиш, отилиш ҳаракатларини тасвирлашда уларнинг чиқарган товушларини ҳам характерлаб берадилар. Натижада кўплаб тақлидий сўзлар пайдо бўлади. Жонсиз предметлар товушига тақлид қилинган сўзлар ўзига хос хусусиятларга эга: биринчидан, жонли предметлар товушига тақлид қилиш натижасида пайдо бўлган сўзлар орасида кишилар, ҳайвонлар ва

бошқаларнинг товуш чиқариш органлари билан боғланган сўзлар бор, жонсиз предметлар товуши стихияли равишда пайдо бўлади. Иккинчидан, жонли предметлар товушига тақлид сўзлар ҳам этмоқ, ҳам демоқ ёрдамчи феъллари билан бирика олса, жонсиз предметлар товушига тақлид сўзлар, асосан, *этмоқ* ёрдамчи феъли билангина бирика олади. Этмоқ ва демоқ феъллари товушга тақлид сўзларнинг бу икки семантик группасини бири-биридан қатъий ажратиб турадиган белгилардан биридир. Ўзбек тилидаги жонсиз предметлар товушига тақлид қилинган сўзларни ҳам предметларнинг физик ва химик хусусиятларига қараб бир неча группаларга бўлиш мумкин.

а) Қаттиқ предметлар товушига тақлид сўзлар:

Шамол ўймакор даришанинг тавақаларини бир-бирига уриб, тарақатуруқ билан ёнди (Ойбек,Навоий). Чексизликда муаззам оҳанг билан оққан юлдузларнинг нафаси, боғчадаги дарахтларнинг иштирлаши, ярим кечада ип йиғирган жафокаш кампир чархинанг гув-гуви барчаси шоирнинг кунглига бир хилда яқин, таниш ва маънодор туюлар, барчасани у чуқур севар эди (Ойбек,Навоий). Юзига ёпилган дарвозанинг шилдир-шилдир қилиб боғланган занжирининг садоси ҳам бу ҳақиқатни таъкидлар эди. Яна қаердандир биров жоди босар, “гарт-гирт” этиб бедами, поями қирқар эди. (А.Қаҳҳор, Сароб).

б) Ҳар хил механизмлар, моторлар, транспорт кабиларнинг ҳаракатидан ва куруллардан ўқ узиш пайтида пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар:

Бир оздан кейин автомобиль гувулаганича қайтиб келди ва аста дурилди-да, гит этиб тўхтади (А.Қаҳҳор). Сал сўнг мотоциклнинг худди дераза тагидан ўтгандек кучли пат-пат билан кечди (Ойбек).

4. ошқа предметларнинг товушига тақлид натижасида ҳосил бўлган сўзлар:

Бунда қатқалоқ булган кўча қуёида эриб, пилч-пилч лой бўлган эди (Ойбек).

5. Газсимон предметлар ва суюқликлар ҳаракатидан пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар:

Шу еринг ўзида, гулханнинг бир чеккасида қумгоннинг виқ-виқ қайнайди (Ҳ. Ғулом).

*Осмон гулдур-гулдур қилур,
Қора булут келганда (Ҳ.Ҳ.Ниёзий).*

Товушга тақлид сўзларнинг бу кўринишлари уларнинг ҳамма семантик группаларини ва хусусиятларини ўз ичига бекамикўст қамраб олади деб айтиш кийин, албатта. Чунки табиатдаги жонли ва жонсиз предметларнинг чиқарадиган товушлари ҳисобсиздир. (Бу ўринда уларнинг хилмахил диалектал формаларга эга бўлишини ҳам эслатиб ўтиш зарур), шу сабабли ҳам уларни биргина ишда тўлиғича қамраб олиш кийин. Биз эса ўз ишимизда товушга тақлид сўзларнинг кишилар ҳаётида тез-тез учраб турадиган асосий қисмларини группалашга ҳаракат қилинди. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги бадиий асарлар тилини синчиклаб қарасак, биз таҳлил қилган группалардан ташқарида қоладиган айрим тақлид сўзларни ҳам учратиш мумкин.

II. Образли сўзлар. Образли сўзлар ҳам тақлидий сўзларнинг ажралмас таркибий қисмидир. Улар кўпгина томондан (грамматик, стилистик, шакл) товушга тақлид сўзларга яқин туради. Аммо образли сўзларнинг товушга тақлид сўзларга аралаштириб юбориш мумкин бўлмаган ўзига хос семантик хусусиятлари ҳам мавжуд. Предметларнинг ҳолат, ҳаракат, ташқи кўринишининг образли ифодаси сифатида майдонга келиб, асосан, стилистик мақсадлар учун қўлланувчи *лип-лип, ялт-юлт, пилдир-пилдир, ҳанг-манг* типдаги сўзлар образли сўзлар ҳисобланади. Образли сўзлар киши, нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат, ҳолат образини бизнинг кўз ўнгимизда тўлароқ, конкретроқ акс эттиради. Товушга тақлид сўзлар эшитиш билан боғланган ҳодисаларни ифодаласа, образли сўзлар кўпроқ кўриш билан боғланган ҳодисаларни ифодалайди. Турмушда ҳаракат ва ҳолат формалари қанчалик кўп бўлса, тил уларни ифодаловчи сўзларга ҳам шунча бой бўлади. Масалан: *аланг-жаланг*, кишининг бирон нарсадан хавфсираб ёки ҳайрон бўлиб турли томонга қарашини ифодаловчи образли сўз; *жилпонг-жилпонг* (образли равишда) баъзи кишиларнинг ўзини бошқа шахсга яхши кўрсатиш учун

ноўрин ҳаракатлари образини ифодалайди; *лапанг-лапанг*, одатда гавдали тўла кишининг ёки бошқа бирор жониворнинг бесўнақай юришининг образи; *жисмир-жисмир*, сувнинг маълум ҳолатда кўриниши, *лим-лим*, суюқликнинг жуда ҳам тўлалик ҳолатини ифодаловчи образли сўз; *қилт-қилт*, бирор касал киши ёки жонсиз, ингичка нарсанинг зўрға ҳаракат қилишини, секин-секин кимирашини тасвирловчи образли сўз; *ялт-юлт*, *милт-милт*, *лип-лип* кабилар ёруғликнинг турли хил образини, *мўлт-мўлт*, маълум ҳолатдаги (зорланиб, мадад сўраб) карашни ифодаловчи образли сўз. *Тарваймоқ*, *хўрпаймоқ*, *чўққаймоқ*, *анграймоқ* типигагн образли сўзлар эса кишиларнинг ва бошқа предметларнинг ҳар хил ҳолатларини кўрсатади. Образли сўзларнинг шу семантик ҳар хилликларини ҳисобга олиб, уларни бир неча катта гурппага ажратамиз.

Ҳаракатни, унинг характерланишини билдирувчи образли сўзлар.

Бу сўзлар кўпроқ кишиларнинг, нарса ва жониворларнинг юриши ва бошқа хил ҳаракатларидаги турли ҳолатларни образли ифодаланиши сифатида майдонга келади. Бу сўзларнинг асосий қисми одамнинг юриши ва бошқа организмларининг ҳаракатини ифодаловчи феълларга қўшимча маъно оттенкасини беради. Масалан, *лип-лип*, *лоп*, *ликанг-ликанг*, *шилт*, *шип*, *қилпонг-қилпонг*, *саланг-саланг*, *пилдир-пилдир*, *тайтанг-тайтанг*, *лапанг-лапанг*, *гивир-гивир*, *дик-дик*, *лик-лик*, *ҳилп-ҳилп* кабилар одамнинг юришини ифодаловчи образли сўзлардир. *Саидий лип этиб каттакон бутанинг тагига кириб кетди* (А.Қаҳҳор,Сароб). *Катак-катак бўз кўйлак кийган тўрт яшар Ойниса айвондан пилдираб тушиб, отасининг орқасидан югурди* (Ойбек, Навоий). ... *Ўйлаб бораётиб эди, олдидан, бир лағзада, лоп этиб бир одам чақиб қолди* (“Маликаи айёр” достонидан). Келтирилган мисоллардаги образли сўзларнинг бир гурппаси (*лапанг-лапанг*, *пилдираб*) тўлиқ бир тасаввурни, давомлилиқни ифодаласа, иккинчи бир хиллари (*лип*, *лоп*, *шилт*) бир зумда бўлганлиқни, бир лаҳзалик ҳаракатни билдиради. Буларнинг маълум белги билан характерланадиган ҳаракатни англатишлари ўша образли сўзларнинг махсус феъл ясовчи аффикс олиши, қил, эт ёрдамчи

феъллардан бири билан бирикиши орқалидир: *лапангла, лик-лик қилиб, лип этиб*. Мисоллар: *Хадичабегимнинг ҳар бир сўзини бош лиқиллатиш билан тинглаган Камолиддин Ҳусайн, Амидилмулк иккиси бирдан “ихтиёр сизда” дейишди* (Ойбек, Навоий).

Киши ва бошқа предметларнинг ҳолатини, ташқи кўринишининг тасвирини ифодаловчи образли сўзлар.

Ўзбек тилидаги бундай образли сўзлар асосан статик характерга эга бўлади. Яъни улар купроқ динамикани ҳаракат процессини эмас, балки нарсаларнинг тинчлик мувозанат ҳолатини тасвирлайди: *Қудрат қанотлари ланг очилган каттакон темир дарвоза олдида тўхтадию, бирдан Ғуломжоннинг икки билагидан ушлаб юзига тикилиб туриб сўради*.

Ёруғлик тасвирини ифодаловчи образли сўзлар.

Бундай образли сузлар ҳам кўриш билан боғланганлиги жиҳатидан образли сўзларнинг бошқа гуруппаларига яқин туради. Лекин шу билан бирга, улар ўзларига хос хусусиятларига ҳам эга. Биринчидан, образли сўзларнинг юқоридаги гуруппалари киши ва бошқа нарсаларнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодаласа, бу гуруппа асосан ёруғлик образини ифодаловчи сўзлар сифатида майдонга келади. Иккинчидан, илгари ҳам таъкидлаганимиздек, ҳаракатни тасвирловчи образли сўзларнинг кўпчилиги тўла бир кўринишни, мураккаб сезгини акс эттира олса, бу гуруппа образли сўзларнинг асосий қисми тўсатдан бўлганликни, кескинликни, бир лаҳзалиликни билдиради. Ёруғлик тасвирини билдирувчи образли сўзлар структура элементларини олиши билан ҳам сўз ясаш бобида ҳам товушга тақлид сўзларга яқин туради. Ёруғлик образини кўрсатувчи сўзларни икки семантик гуруппага бўлиш мумкин:

1. Табиий ёруғлик, яъни планеталар, чироқ, электр, олов, чақмоқ ва бошқа хил ёруғлик тасвирини ифодаловчи образли сўзлар: *милт-милт, йилт-йилт, лип-лип, лоп-лоп, пор-пор, ярқ, ялт-юлт, живир-живир* каби: *Бугун қуёш ҳатто бирор минут ҳам “йилт” этмади* (Ойбек). *Қогозни қаттиқ гижимлаб печкага отди. Аланга лоп этиб қогозни қоплади* (Ойбек).

2.Том манодаги оруғлик бўлмасдан, балки шу ёруғликнинг маълум нарсаларда акс этиш ҳолатини тасвирловчи образли сўзлар: *мўлт-мўлт, гилт-гилт, жовдир-жовдир, милт, ялт, жимир-жимир* кабилар: *Қия тушиб турган офтобда чақир тошларнинг акси сувга урилиб жимир-жимир товланар эди* (С.Анорбоев).

Тақлидий сўзларнинг семантикасини аниқлашда кўп ўринларда контекст ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бир товуш комплексининг ўзи турли ўринда турли маъно англатиши мумкин. Яъни бир тақлидий сўз маълум ўринда товушга тақлидни билдирса, бошқа ўринда нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат, ҳолат образини ифодалайди.

Тақлидий сўзлар маъносида метафора

Н.И.Ашмарин метафора (мажоз) терминини тақлидий сўзлариинг, умуман бошқа функцияда, яъни от, сифат, равиш каби бошқа сўзлар ўрнида қўлланишига нисбатан ишлатади. Кишиларнинг турли хил психо-физиологик ҳолатларини, организмда пайдо бўлган ҳар хил сезгиларни ифодалашда ҳам баъзан тақлидий сўзлардан фойдаланилади. Бундай тақлидий сўзлар аслида товушга тақлид ёки образли сўз сифатида пайдо бўлган бўлса ҳам ҳозир уларнинг маъносида абстрактликка томон силжиш сезилади. Образли сўзлар ифодалаган ҳодисаларга товуш орқали тақлид қилиш мумкин бўлмаса ҳам, кишида у ифодалаган ҳодиса ҳақида маълум таассурот пайдо бўлади. Метафорик характердаги тақлидий сўзлар субъект билан боғлангандир. Шунинг учун булар ифодалаган ҳодисани асосан сўзловчининг (субъектнинг) ўзи сезади. Тингловчида эса у конкрет тасаввур ҳосил қила олмайди. Товушга тақлид сўзлар эшитиш билан боғланган ҳодисаларни ифодалайди. Метафорик тақлидий сўзлар ифодалаган ҳодисаларни кўролмаймиз ҳам, эшита олмаймиз ҳам: *Содиқжоннинг юраги жиз этди* (А. Қаҳҳор). *Соҳиб Доро Ҳайдардаги бу оний қарор унинг кўксида лов этиб ёниб, яна сўнувчи орзулардан деб ўйлади-да, елкасини қисиб сукут қилди* (Ойбек, Навоий).

Биринчи боб бўйича ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тақлидий сўзлар ҳозирги ўзбек тилида катта лексик-грамматик гуруҳни ташкил қилувчи категориядир. Тақлидий сўзлар мустақил сўз туркуми сифатида ўзига хос фонетик, лексик, грамматик шунингдек, стилистик хусусиятларга эга.

Тақлидий сўзлар ўзбек тилида бошқа сўз туркумлари учун хос бўлмаган фонетик хусусиятларга эга. Бу эса уларнинг товуш состави ва бўғин тузилишида очик кўринади. Тақлидий сўзлар составидаги товушларнинг улар ифодалаган ҳодисалар билан бевосита алоқаси мавжуд. Бу хусусиятлари билан улар ундовлардангина эмас, балки ҳамма сўз туркумларидан ҳам фарқ қилади. Ўзбек тилида тақлидий сўзлар асосан бир бўғиндан ташкил топади. Шунинг учун уларни қатъий равишда $c+v+c$ ёки $c+v+c+c$ формуласига солиш мумкин.

Тақлидий сўзлар тарихий категорияси сифатида тил тараққиётининг маълум даврида майдонга кела бошлаган, тилнинг умумий тараққиёти билан бирга бойиб борган ҳодиса, лекин тилнинг келиб чиқишини тақлид сўзларга боғлаш, шунингдек, тақлидий сўзларни тараққиётдаги ҳодиса эмас.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида учрайдиган тақлидий сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилдик. Аммо юқорида ҳам эслатганимиздек, ўзбек тилидаги тақлидий сўзларнинг ҳаммасини қамраб олган, тугалланган таҳлил деб айтиш қийинроқдир. Умуман, “тақлидий сўзларнинг семасиологик томони жуда қийин масала” эканлигини марҳум профессор Н.И.Ашмарин ҳам бир неча бор ўқтирган эди.

II БОБ.

ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тилнинг таъсир кўрсатиш вазифаси бадиий адабиёт тилида ёрқин намоён бўлади. Асар матнида ҳар бир сўз ижодкор мақсади ва маҳоратига кўра турлича жилвалашди. Шунинг учун, тақлидий сўзларнинг бадиий асарлардаги лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилган алоҳида таҳлилгина улардаги сеҳрловчи, турли-туман ҳис-туйғулар туғдирувчи ўзига хос тасвирий воситалар тизимини яхлит ва ички ўзаро муносабатда ўрганиш имкониятини кенгайтиради.

Тақлидий сўзларнинг лингвопоэтик таҳлили намунаси ўзбек насри ва назмий асарларининг лисоний бадиияти тамойилларнинг қўлланилиши борасида маълум тасаввур беради. Шунингдек, мазкур қисм биринчи бобдаги масалага ёндашув жиҳатидан бир-бирини тўлдириш учун хизмат қилади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида тақлидий сўзлар катта бир лексик гуруҳни ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тилидаги кўпгина от, сифат, феъллар тақлидий ўзаклардан ясалганлиги ҳақида юқорида ҳам тўхталган эдик.

Тақлидий сўзлар бадиий адабиётда, оғзаки нутқда, фольклорда жуда кўп ишлатилиб, улар нутққа бадиий бўёқ, экспрессивлик беради. Шу билан бирга, умуман, объектив борлиқни акс эттирувчи ва тилда қурилиш материали сифатида улар катта аҳамиятга эгадир.

Тақлидий сўзларнинг тараққиёти ва ҳозирги ўзбек тилида тутган ўрни масаласига маълум ҳодиса қандай қилиб майдонга келди, бу ҳодиса ўз тараққиётида қандай асосий босқичларни босиб ўтди ва у нарса қай даражага етиб келди деган нуқтаи назардан қараш кераклигини исботлади.

Эътиборлиси шундаки, тақлидий сўзлардан ёзувчилар услубий мақсадда фойдаланганликлари кўзга яққол ташланиб туради. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўладики, тақлидий сўз олиб ташланса, гапнинг маъноси тўлиқ англашилмай қолади.

Масалан, “Тушки овқатдан кейин бир муддат *гангир-гунгур* суҳбат; сўнг уйқу элитади”[50.418].

Тақлидий сўзнинг ўринли ишлатилиши билан гапга ҳам ифодалилиқ киритилади, ҳам бадийлик берилади ва, шу билан бирга, маъно конкретлашади, ойдинлашади.

Масалан, Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясидан олинган мана бу парчага диққат қилайлик:

Шундан, дейман, бу яширин ваҳим, васваса.

Бу тараддуд, бу таҳлика ва бу талваса.

Шундан, дейман, ҳар қадамда тиқилинч, таишиш,

Бутун ўлка роҳатини йўқотиб қўймиш. [52.27].

Асар бош қаҳрамони Ҳамлет отасининг арвоҳи билан гаплашиб, бор ҳақиқатни билгандан сўнг, жуда қийин аҳволга тушади, руҳан изтироб чека бошлайди, юрагидаги дардларини кимга айтишни била олмай қолган ҳолати юқоридаги мисраларда тасвирланар экан, *васваса*, *талваса* сингари тақлидий сўзлардан унумли фойдаланилган.

Тақлидий сўзларнинг лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш, таъкидлаб кўрсатишга қаратилган мазкур таҳлил усулини эса лингвопоэтик таҳлил деб аташ мумкин бўлади. Бу йўналиш ўзбек миллий насридаги, лирик асарлар ва достонлар ҳамда халқ қўшиқларидаги маъно ва лафз ўртасидаги муносабатларни имкон қадар мукамал ўрганиш, ундан келиб чиқадиган фикр-мулоҳазалар, хулосаларни илмий асосда шарҳлаб беришга қаратилган йўналишдир.

Тақлидий сўзлар нарса ва ҳодисаларнинг табиати, катта-кичиклиги, миқдори, қаттиқ-юмшоқлиги, чиқарган товушларнинг кучли-кучсизлиги билан чамбарчас боғлангандир. Масалан: *Ботирали ўзина тап этиб ерга таишлади* (Ҳ.Ғулом). *Бирин-кетин тўрт кишининг отдан тап-тап тушгани эшитилди* (Ҳ.Ғулом). *Тақ-тақ садо бериб турган деворнинг бир еридан „дўнг“ этган товуш чиқди* (Ҳ.Ғулом).

Биринчи мисолдаги тақлидий сўзлар предметнинг сон жиҳатдан фарқини кўрсатса, сўнгги мисолдаги тақлидий сўзлар эса предметнинг физик хусусиятидаги фарқини кўрсатади.

Маълум тақлидий сўз бир неча хил маънони ифодалай олади. Лекин унинг формасини ўзгартирганда ёки кенгайтирганда баъзан бир неча тушунчани англатиш учун қўллаш имкони бўлса ҳам, баъзан у тушунчанинг иккинчиси учун қўллаш услуб ғализлигига олиб келади. Масалан, *пиқ-пиқ кулди* дея олганимиз каби *пиқ-пиқ йиғлади* дейиш ҳам мумкин. Аммо *пиқир-пиқир* кулди дейиш мумкин бўлса ҳам, *пиқир-пиқир йиғлади* дейиш анча қийин.

Ёзувчининг тақлидий сўзларга ҳаддан ташқари ортиқча мурожаат қила беришини (айниқса ноўрин қўллашни) ижобий ҳодиса деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Тақлидий сўзларнинг кўпчилиги полисемантик характерга эга бўлади. Умуман олганда, ҳолат ёки товуш билдириш тақлидий сўз туркумига хос хусусият бўлгани учун товуш билдирувчи тури бу соҳада пешқадамлик қилади. Матнларда *чат, жур, чур-чур, шар-шар, қар-қур, тос-тос (тўс-тўс), жиф, тақ-тақ, чақ-чақ, дук, дик, чирт, сарт-сурт, халф-хулф, қарт-қурт, курт-курт, қарч-қурч, чарс-чарс, қарс-қарс, гулф, чалқ-чулқ бадар-бадар, тақир-тақир, жиқир-жиқир, чигил-чигил, бул-дур-булдур, чалдир-чалдир, жур-жур, қур-қур* каби турли товушга тақлид билдирувчи ва *лим-лим, жимир-жимир, қимир-қимир, аланг-жаланг* шаклидаги ҳолатга тақлид англатувчи сўзлар учрайди.

Тақлидий сўзларнинг ўзига хослигини ташкил этувчи: тақлидий сўзларнинг тузилиши, матндаги вазифаси, бадий асарларда асар ғоясини юзага чиқаришдаги ўрни каби масалаларга баҳо бериш билан тадқиқотдан кўзланган маълум мақсад амалга ошади.

2.1. Назмий асарларда тақлидий сўзларнинг қўлланилиши

Халқимиз бадий-эстетик тафаккури, поэтик мезони тамойилларини ўзида ёрқин акс эттирган лирик меросни бадий тили нуқтаи назаридан ўрганиш миллий тилимиз ва фольклоршунослигимиз тараққиётига самарали таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, шеършунослик тараққиётида ҳам маълум роль ўйнаши мумкин бўлган омиллардан саналади.

Зеро, мазкур фасл лирик асарлар, ўзбек халқ қўшиқлари бадииятини лингвопоэтик хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганиш масаласига бағишланган. Унда назмий асарлар, халқ қўшиқлари бадииятини ўрганилиши ҳамда бу масалага бутунги кун талаби ва имкониятлари асосида ёндашиш борасида мулоҳаза юритилган. Шу асосда, халқ қўшиқлари, умуман, поэзиядаги ўхшатиш, метафора, сифатлашларнинг лингвопоэтик таҳлили намуналарини кўриб чиқамиз.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий шоир, донишманд сифатида бадий асарда, хусусан, шеъриятда «гавҳари шариф» бўлган сўзнинг қадр-қиммати, мўжизавий қудрати ҳақида назарий жиҳатдан муҳим мулоҳазалар билдириб, жумладан: “Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидир ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзидадир ва такаллум анинг каломида эрур”, – деган эди.[14.12].

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, тақлидий сўзлар поэтик нутқда ҳам қўлланади. Аммо болалар адабиётини ҳисобга олмаганда, поэзияда тақлидий сўзлар прозага нисбатан камроқ ишлатилади.

Шундай бўлса-да, таҳлилга тортилган намуналарда улар муайян вазифани бажарганлиги кўриниб туради. Масалан, З.Неъматовнинг:

Эй, азиз отамнинг қабри узра жим –

Қон-қон йиғлаб турган маъюс қизгалдоқ.

Алвон гулкосаси ғам билан лим-лим –

Қалбимнинг рангидан ранг олдинг қандоқ? [43.19].

каби мисраларида инсон қалбининг ғамгин лаҳзаларидаги ҳолат тасвирида *лим-лим* тақлидий сўзи образлиликни кучайтиришга хизмат қилган. Ёки шоирнинг бошқа бир шеърида лирик қаҳрамоннинг умрида Бухорони

кўрмаганлигидан ажабланишини ўқувчига янада таъсирчанроқ ифодалашга хизмат қилган:

*Бухорода сира бўлмаганман, деб,
Дўстим, айладинг-ку мени ҳангу манг.
Ўзбек заминида шунча йил яшаб,
Наҳот, Бухорони кўрмаган бўлсанг? [43.19].*

Юқорида таъкидлаганимиздек, тақлидий сўзлардан болаларга бағишланган шеърларда унумли фодаланилган. Масалан, таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг “Балиқ нечун гапирмас” шеърида кичкина Холиқнинг жавобида тақлидий сўзнинг муҳим поэтик вазифаси бўртиб кўринган:

*– Қани, айт-чи, ҳой Холиқ,
Нечун гапирмас балиқ.
– Чунки, гапирса оғзи,
Сувга тўлар-да лиқ-лиқ.[53.7].*

Севимли шоиримиз Пўлат Мўминнинг “Қизилиштон кўшиғи” шеърида бадий ифоданинг тўлароқ юзага чиқишида, шоирнинг шеърдан кўзлаган мақсадини янада равшанлашишида тақлидий сўзларнинг аҳамияти катта:

*“Тўқ-тўқ”, “тўқ-тўқ”, дарахтжон,
Бу менман – Қизилиштон!
Танангдаги қуртларни
Қириб ташиларман, ишон![45.10].*

Болалар диққатини торта билиш, уларни завқлантира олиш ижодкордан маҳорат ва истеъдод талаб қилади. Зеро, “Нега қичқирар хўроз” шеърининг куйидаги мисраларида ҳам ўрнида қўлланилган “Қу-қу-қу” сўзларини бу ниятни юзага чиқарган:

Қани айт-чи, ҳой Ўроз,

*Нега ҳар саҳар хўроз,
Тонг отмасдан қичқирар,
“Қу-қу-қу”лаб чинқирар.*

Маълумки, тилимизда тақлидий сўзлардан ясалган лексемалар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Навбатдаги мисолда ҳам тақлидий сўздан ясалга феъл орқали тасвирга ва манзарага янгича маъно юкланган:

*Асалари визиллаб,
Боғу чаман кезади.
Энг ёқимли гул ҳидин,
Олисданоқ сезади.*

Гап шундаки, кичик ёшдаги болаларнинг сўз бойлигини ошириш, уларнинг нутқи чиройли бўлишини ёшлигидан шакллантиришда бу каби шеърларни кўпроқ ёд олдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўшиқлар энг кўп тарқалган, кенг оммалашган, суюмли ва фаол жанрлардан бўлиб, халқнинг билими, тажрибаси, маънавий қадриятлари хазинаси саналади. Президентимизнинг халқ қўшиқлари, жумладан, аллалари ҳақида: «Она алласи фақат чақалоқ ором олиши учун айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий рух киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар на орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради»[7.56], – дея билдирган фикрлари қўшиқларимизнинг таъсир кучи ва тарбиявий моҳиятига берилган юксак баҳодир.

Қуйидаги матнда тақлидий сўз муҳим аҳамият касб этади.

*Шуъласини ярақлатиб,
Чақмогини чақирлатиб,
Келди баҳорнинг ёмғири*

Назмаю шарру шур қилиб.[44.32].

У “ ...образ яратувчи асосий ва ягона восита”. Халқ қўшиқларида ишлатилган ҳар бир сўз масъулияти ёзма адабиётдагидан-да залворлироқ.

Масалан, халқ кўшиқларидаги ҳар бир сўзнинг гавҳардай қадр-қимматга эга бўлиш зарурати шу билан изоҳланадики, ушбу кўшиқнинг оғзаки ижодиёт тизимидаги ҳаёти, унинг келгуси авлодга узатилиш-узатилмаслиги шу сўзниинг салмоғига, бадий таъсиротига боғлиқдир.

Халқ кўшиқлари санъатнинг синтетик турлари жумласига киради, бироқ таниқли мусиқашуносларнинг таъкидлашларича, «... халқ кўшиқларининг ҳал килувчи муҳим моҳияти кўпинча тақлидий-тасвирий сўз воситасида амалга ошади». Севимли ва машҳур “Бойчечак” туркум шеърлари кенг тарқалган. Қуйидаги парчага эътибор қилайлик:

*Бойчечагим ҳиллодир,
Ҳамён-ҳамён тиллодир,
У бозору бу бозор,
Ўртасида лолазор.
Лолазор хазон бўпти,
Имомқул имом бўпти,
Бака-булдур-банг, бойчечак.[44.33].*

Кўшиқ матнидаги сўз ҳақида М.Алавиянинг: «... маънога ҳалал берадиган сўз келтирилмай, балки маънога тобе сўзлар ишлатилади, чунки бир сўз билан маъно бузилиши мумкин», – дея билдирган фикрлари ўринлидир. Халқ кўшиқларида ишлатилган сўзларнинг табиатини тушунтиришда энг мақбул таъкидлардан бири тақлидий сўзларнинг моҳияти ҳақида сўз юритишдир.

*Тапир-тупур от келди,
Чиқиб қаранг, ким келди?
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.
Ҳожияхонга бир қаранг,
Эғнида кўйлак пар-паранг!
Ҳа-ю, читти гул,
Ҳа-ю, читти гул.[44.78].*

Қўшиқдаги оҳангдорлик ва таъсирчанлик, энг муҳими музикийликнинг юзага келишида *пар-паранг*, *тапир-тупур* сўзлари алоҳида мавқега эга.

Халқ қўшиқларининг лингвопоэтик таҳлили ўтказилаётганда бу жанрнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишлашга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, сўзнинг лексик маъноси, сўз қўллаш тамойиллари таҳлил матнига муносабатда, таҳлил жараёнини савиясини оширишда, таҳлил хусусиятини белгилашда амал қилади.

Тақлидий сўзларнинг табиатини ўрганиш, ўзбек фольклоридаги тақлидий сўзлар поэтикаси юзасидан олиб борган тадқиқотчиларимиз бизни бу масалага бир ёқлама (фақат адабиётшунослик ёки тилшунослик нуқтаи назаридан) ёндашиш етарли эмаслиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Чунки фалсафадаги мазмун ва шакл бирлиги қонунияти барча ҳодисаларда бирдек амал қилар экан, бу ижод намуналарига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Халқ оғзаки поэзиясидаги тақлидий сўзлар мажмуавий равишда тадқиқот олиб бориш учун бой маълумот беради. Халқ қўшиқларида тақлидий сўзлар ва уларнинг воситалари ҳақида сўз кетар экан, бу туркум сўзлардан фойдаланиш ўрни, ўзига хослиги, ижодкорнинг маҳорати кабилар эътиборимизни тортди.

Бадий асарлардаги, хусусан, шеърларда фавқулодда тақлидий сўзлар, бадий топилмалар нисбатан кам қўлланилган бўлса-да, ўзининг ёрқинлиги, таъсирчанлиги кутилмаган далолати билан ҳайратга солади.

*Тун оғиб, юлдузлар ёш тўкиб милт-милт,
Ой нури синаркан мозор тошида,
Соядай судралиб келди-да бир ит,
Ўксиб уввос солди қабр бошида...*

Манзара ғоят таъсирчан: Тун оғган. Юлдузлар айрилиқдан милт-милт кўз ёш тўқмоқда. Ой нурининг мозор тошида синиши янада таъсирчан. Худди шу пайт аллақайдан келган итнинг уввос тортиши киши қалбини ларзага солади. Бу ерда ойнинг айнан мозор тошида синиши камёб тасвир. Умуман, лирик асарларда қўлланилган “*милт-милт*” тақлидий сўзининг

қўлланилиши матнга ўзгача маъно юклайди. Бу ерда сўзнинг бир қанча маъно товланишлари кўзга ташланади.

Чунки, одатда “милт-милт” сўзи инсонга нисбатан, унинг маълум ҳолатларда йиғлашига нисбатан қўлланилади. У содда шаклда қўлланилганда ёки феъл ясалганда мавҳум тушунчани ёркинроқ акс эттиришга ёрдам беради.

Мақсад – сенинг милтираб турган

Азму қарорингни яна ёқишдир, илло.

Аммо ҳозир онангга боқ! У худди қоқишол.

Уни халос айла бундоқ қўрқув-ваҳимдан.[52.27].

Баъзи пайтларда эса гарчи жуфт сўз сифатида ишлатилмаса ҳам, кишининг таъсирчан руҳий изтиробини рўёбга чиқаради.

Дарё шоввуллайди тўлқин туфайли,

Ёнбошида ариқ оқар шилдираб.

Умрим, дарё бўлгин, ариқ бўл, майли,

Лекин кўз ёшидек оқма милтираб...

Дарҳақиқат, тақлидий сўзлардан ясалган феълларнинг поэзиядаги тасвири, манзара ҳосил қилишдаги иштироки диққатга сазовор.

Тақлидий сўзларнинг тасвирий имкониятлари ҳақида сўз кетар экан: Тасвирий (тақлидий) сўзларнинг хусусияти қадим-қадимдан ёзувчиларнинг ўзини ҳам, бадиий асар тилини ўрганувчи тадқиқотчиларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб этиб, қизиқтириб келган. Халқимизнинг ижодий даҳоси ҳар бир сўзни заргарона танлаб, қуйма мисралар яратганки, атрофдаги барча сўзлар, бирикмалар синтактик структура табиат ва ундаги мавжудотларнинг ҳаракатларини, уларнинг бадиий матндаги аҳамиятини тасдиқлаш учун хизмат қилмоқда.

Турналар қурей-қурей,

Тўрғай чулдир-чулдирей,

Қайда сўқмоқ- йўлдир-ей
Оёқ ости гулдир-ей!

Ёки:

Чучмома айтими:
– Чимма, чимма, чиралай,
Сенинг кўзинг қуралай,
Чув-чув момо!

Ўлкамизга кириб келган баҳор ёки лирик қаҳрамоннинг чучмомога қарата айтаётган айтими ўқувчида беихтиёр ижобий кайфият уйғотиш билан бирга ёрқин таассурот ҳам уйғотади.

Бу қўшиқларда шу тушунчаларга таянган ҳолда одатдаги ташқари тақлидий сўзлар ишлатилган. Шу боисдан халқимизнинг поэтик завқи бу фавқулодда тасвирларнинг минг-минглаб намуналарини яратган ва бугунги кунгача фаол қўллаб келади.

2.2. Насрий матнда тақлидий сўзларнинг қўлланилиши

Тақлидий сўзлар халқимизнинг ҳаёт тарзи, маиший даражаси, ишонч-этиқоди билан ҳам узвий боғланганки, уларда фавқуллодда образлар, камёб лавҳалардан фойдаланилгани бир қарашда сезилмайди ҳам.

“Бироқ, у кушхона дарвозаси олдида халат кийиб, ичкарига кираркан, кўзлари яна гилқ ёшга тўлди. Отилиб кириб кетди. Мен дарвоза биқинидаги эшикча оғзида туриб қолдим. Ола-була, оёқлари калта-калта, шохсиз моллар Исломни қандай қилиб танишди? Олдин бири, сўнг иккиси, сўнг ҳаммаси бўкириб, унга ташланишди. Улар Исломнинг кўлларини ялар, халатини ямлар, кўзлари каттариб кетган, пишқиришар эди: ақллари етса... Исломни бу ердан олиб чиқиб кетишса!”[50.37].

Баъзан анъанавий ва фавқуллодда тақлид сўзлар бир матнда бирга келади. Бу ҳол тақлидий сўзлар жаъмининг рангдорлигини, ажойиб таассуротларни келтириб чиқаради:

“Қамариддин ишга берилиб кетди. Хонада дик-дик сакраб, гоҳо пир-пир қанот қоқиб юрадиган майнага энди парво қилмайди. Жуда жонига тегса, “кишит”, деб кўл силтайди”[50.38].

Бу матнда *дик-дик*, *пир-пир*, *кишит* каби сўзлардан фойдаланилган. Уларни табиат тасвири ва ўзига хос манзара ифода қилувчи тақлидий сўзлар деб аташ мумкин.

“Носиржон ялт этиб, ҳатто кўзлари олайиб қизга қаради. Ҳуббижамол кула-кула:

- Ҳа, нега энди ўзимники қилиб гапирмас эканман!- деди. – Балки...

Хона яна қийқириққа тўлди”.

Ёки:

“Чол шаҳд билан пичогини суғурди, ҳўкизнинг бошига ўтиб, тумшугидан ушлади. Кейин кўли қалтираб, шохидан ушлади”.

Бундай тақлидий сўзларда юқорида ва қуйида келтирганимиздай: бахтиёрликни, қайғу-ҳасратни, изтиробни, ачиниш ва афсусни ифода этиши мумкин.

Матндан кўриниб турганидай бу хил тақлидий сўзларда ички ҳиссий муқояса мавжуд. Уларда ички ҳиссиётлар ва изтироблар изҳори кўзга ташланади. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари самимий ва маҳзун ўхшатишларни келтириб чиқаради. Уларда баъзан изтироб, баъзан афсус-надомат, баъзида шу ўхшашликдан норозилик оҳанглари сезилади.

Ички кечинма ва ҳиссиётга алоқадор тақлид сўз ишлатилган яна бир мисолга мурожаат қилайлик:

“У даг-даг титрар эди. Хонанинг шифтларига ҳайрат билан боқди, эшикка яқин борганди, эшик бирдан тортилди. Раҳима буви: “Вой!” деб чекинди”.

Тилимизда сифатлаш тақлидий сўзнинг такрори тариқасида келганда эмоционалликни кучайтириши билан аҳамиятлидир.

Шалдир-шулдир қамишга

Сирғам тушди, ёр-ёр.

Синалмаган йигитга,

Синглим тугади, ёр-ёр.

Сирға қамишга тушолмайди. У қамишзорга тушган. Лирик қаҳрамон “қамишлар орасига сирғам тушди” - бўлар эди. “Шалдир-шулдир” тақлид сўзи нима учун керак? Аёлларнинг қимматбаҳо тақинчоғи, сингил ҳам эгачиси қимматли. Сингил синалмаган йигитга келин бўлиб тушди. Йигитнинг тор ёки кенг феъли, яхши-ёмон гапи, уйидаги баланд-паст шарт-шароитлари эгачи учун номаълум. Йигит феълига, шарт-шароитига хос ҳар хилликлар, ҳўлу қуруқ, баланд-паст қамишларга ўхшайди. Қамишлар ҳўлу қуруқлигига қараб сувнинг оқимида турлича қаршилик кўрсатадалар ва бу фарқли тўсиқ натижасида чиққан овозлар ҳам гоҳ шалдираб, гоҳ шулдираб фарқланади. “Шалдир-шулдур”га хос фарқ йигит характери ва шарт-шароитларидаги синалмаган ижобийлик ва салбийликка алоқадор гумонларга ҳамоҳанг.

Энди насрий матнга диикат қилайлик. “Шалдир” – бу тақлидий сўзнинг ёлғиз қўлланилганда жуфт келгандаги мазмунни ифодалай олмаслиги билан характерланади:

“У ўзининг шалдироқ аравасини йўлак четига тўхтатиб, ундан чиқаётганида полиция бошлиғи машинасига ўтириб, энди жўнаб кетмоқчи бўлиб турганди”[13.67].

Хулоса қилиб айтганимизда, ўзбек тилидаги алоҳида гуруҳни ташкил этувчи тақлидий сўзларнинг белги-хусусиятларига кўра мос келувчи шахс, жисм, хусусият, тушунча, воқеа, ҳодиса, ҳаракат ва ҳолати мантикий муқояса қилиниб, уларнинг бадийий функцияси ойдинлашади.

2.3. Халқ оғзаки ижодида тақлидий сўзларнинг қўлланилиши

Фольклор асарлари халқ ҳаёти, тарихи, истак-интилишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсониятнинг барча давларида яратиб келинган. Бу улкан хазина ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ва элат маданиятининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Ўзбек халқи ҳам дунёнинг барча халқлари сингари бой ва ўзига хос ёрқин оғзаки ижод хазинасига эга. Халқимизнинг буюк донишмадлиги, бой фантазияси, назик диди асосида яратилган бу бебаҳо дурдоналар асрлар давомида кишиларимиз кўнгил заҳирасида ардоқлаб сақлаб келинмоқда.

Ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳар жиҳатдан етук, баркамол кишисини тарбиялаб етиштириш ўзбек халқининг энг муқаддас, барча давлар учун бирдай долзарб бўлган вазифаларидан ҳисобланган. Халқимиз узоқ йиллик тарихи жараёнида ўз билим ва тажрибаларини ўсиб келаётган ёш авлодга қолдиришнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида халқ оғзаки поэтик ижодидан фойдаланиб келган.

Тадқиқотимизда ўзбек халқ достонлари бадииятининг тилнинг тақлидий-тасвирий воситалари ёрдамида ҳосил қилиниши масаласини ўрганиш; шу муносабат билан лингвофольклористика ва лингвопоэтика тушунчалари моҳиятиниш тилшунослик фанига алоқадорликда текшириб, халқ достонларидаги тақлидий сўзларнинг таъсирчан воситалари: ўхшатиш, метафора, сифатлашларнинг мантикий, лисоний, поэтик хусусиятлари муштараклигидан келиб чиқадиган эстетик ҳодисани янгича таҳлил ва талқин қилишга ҳаракат қилдик. Халқ достонлари поэтикасига доир М.Саидов, С.Рўзимбоев, Т.Мирзаева, С.Мирзаева, М.Муродов, Х.Тошматов каби фольклоршуносларнинг тадқиқотларига; тақлидий сўзларнинг лисоний табиатини талқин этиш борасида А.Абдурҳмонов, Х.Дониёров, А.Ишаев, М.Йўлдошев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов каби тилшуносларнинг фикрларига таяндик.

Тақлидий сўзларга фольклорда ҳам тез-тез мурожаат қилинади: Масалан, “Алпомиш” достонининг 69 ўрнида, “Маликаи айёр” достонининг 41 ўрнида тақлидий сўзлардан фойдаланилган.

Ўзбек халқ достонлари ўз кўлами, сўз бойлиги, ғоявий-бадий мундарижаси билан чинакам адабиётимизнинг ажойиб намуналаридир.

Бизга маълумки, достонлар матн ва ижро нуқтайи назаридан алоҳида қимматга эга жанр ҳисобланади. Достонлар халқ оғзаки ижодининг маълум тараққиёт босқичидагина шаклланган. “Алпомиш” достони эса ўзбек достончилигининг шох асари саналади. Бу достон ўзбек халқининг бутун дунё халқлари маданий хазинасига қўшган муносиб ҳиссасидир. Халқ бахшиларининг маҳорат даражаси кўпинча “Алпомиш” достонини ижро этишига қараб белгиланган. Шунинг учун “Алпомиш” халқимизнинг фахри, уни ижро этиш бахшиларга маҳорат мезонидир.

Олимлар “Алпомиш” достонининг тўртта йирик версияси борлигини қайд этадилар. Жумладан, В.М.Жирмунский ўзининг “Тирик қаҳрамонлик эпоси” китобида “Алпомиш” мазмунидаги асарнинг қўнғирот, ўғиз, қипчоқ, олтой версияларини кўрсатиб ўтади, шулардан асосийси қўнғирот версияси ҳисобланган.

Пухта ишланган сюжет ва мотив, образ ва бадий тасвир воситаларининг дастлабки барқарор нусхалари “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли вариантыда яхлит тизим сифатида ташкил топган. Эпик мотивиар достон сюжетининг турли хил қисмларида тасвирланаётган воқеалар билан битишган ҳолда шаклан мослашиб эпик рух бахш этган, қолаверса, идеал ғояларга асосланган бош қаҳрамон ҳаракати, орзу-умидларини тўлароқ ёритган ва идеаллаштирган, ибрат бўларли образ яратган.

Чунончи, Фозил Йўлдош ўғли томонидан ижро этилган “Алпомиш” достонида 214 га яқин тақлидий сўзлардан фойдаланилган. Мазкур достондан ўрин олган тақлидий сўзлар таҳлил қилиниб, қўлланилиш доираси қуйидагича намоён бўлди:

- 1) чувулламоқ тақлид ўзакли феъли 16 марта;
- 2) алангламоқ тақлид ўзакли феъли 14 марта;
- 3) ярқииламоқ тақлид ўзакли феъли 13 марта;
- 4) гумбурламоқ тақлид ўзакии феъли 11 марта;
- 5) инграмоқ тақлид оғзакли феъли 9 марта;
- 6) ғалағул тақлидий сўзи 8 марта;
- 7) изилламоқ тақлид ўзакли феъли 7 марта;
- 8) диркилламоқ тақлид ўзакли феъли 6 марта;
- 9) дубир тақлидий сўзи 5 марта;
- 10) пирпирламоқ тақлид ўзакли феъли 5 марта;
- 11) пишқирмоқ тақлид ўзакли феъли 5 марта;
- 12) шиқирламоқ тақлид ўзакли феъли 5 марта;
- 13) шибир-шибир тақлидий сўзи 5 марта;
- 14) гундламоқ тақлид ўзакли феъли 5 марта;
- 15) гургума тақлидий сўзи 4 марта ишлатилган.

Аждодларимизнинг бебабо бадиий ёдгорлиги “Алпомиш” достонининг Хушбоқ Мардонакул ўғли вариантида 144 ўринда, Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли вариантида 140 ўринда, Берди Бахши томонидан ижро этилган вариантда эса 107 ўринда тақлидий сўзлардан фойдаланилган.

Кўриниб турибдики, тақлидий сўзлами кўллаш борасида “Алпомиш” достонининг барча вариантлари бир-бирларидан фарқланиб туради. Бундай фарқланишлар, бир томондан, ҳар бир бахшининг ўзи амал қилиб келаётган поэтик анъана билан белгиланса, иккинчи томондан, халқ достонларининг ҳар бир типига хос бадиий тасвир принципларининг мавжудлигига асосланади. Мазкур исботнинг ўзи достоннинг ҳар бир вариантлари ўзига хос ғоявий-бадиий анъанага эга эканлигадан далолат беради.

Маълумки, тилда оз миқдорда бўлса-да, маъно ва номнинг табиий боғланган кўринишлари ҳам учрайди. Бундай боғланган сўзларнинг асосини товушга тақлидни ифодаловчи ва улардан ясалган сўзлар ташкил қилади. Ҳатто, тил табиатдаги мавжуд хилма-хил товушларга тақлид асосида юзага

келган, деган қараш ҳам йўқ эмас. Айтиш мумкинки, муайян предмстга хос бўлган товушли ҳаракат, асосан, тақлидий феъл билан ифодаланади. Бундай сўзлар тегишли предметни жуда аниқ-тиниқ тасаввур қилиш имконини беради, ўша предметнинг овози образи қулоқлар аслида акс садо бўриб туради. Ана шу маънода тақлидий сўзлар салбий мисраларда қофияланиб келганда, бу кувват янада аниқ кўринади. Шу сабабли “Алпомиш” достонида товушга тақлидий сўзлар образга тақлидий сўзлардан нисбатан кўп қўлланилган бўлиб, тасвирнинг жонли кўринишини намоиш этишга хизмат қилган, оғзаки нутқнинг таъсирчанлигини оширган.

Достонда ўрин олган тақлидий сўзлар маълум ўринда товушга тақлидни билдирса, бошқа ўринда нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракат, ҳолат образини ифодалайди. Бу маъно эса контекстда ойдинлашади:

Шамулдай ғувуллаб етиб боради (товушга тақлид сўз).

Кўп таёқ еб каллам ғувуллаб қолибди (образга тақлид сўз).

Демак, тақлидий сўзлар аввал товушга тақлид сўзлар сифатида майдонга келиб, кейинчалик уларнинг маънолари кенгайиб, образлилик томон силжиган.

“Алпомиш” достонининг ҳар бир вариантларига эътибор берсак, қўлланилган тақлидий сўзларнинг фарқли жиҳатларини учратишимиз мумкин. Масалан, образга тақлид сўз ҳисобланган “*дабдаба*” Фозил Йўлдош ўғли томонидан ижро этилган достон вариантларида “*гурғума*” тарзида ишлатилган бўлса, Берди Бахши томонидан куйланган вариантда эса товушга тақлид сўз *данг-дунг дунга-дунга* шаклида қўлланилган.

Ўзбек халқ достонлари ранг-баранг тақлидий сўзларга бой бўлиб, улар эпик баёнга образлилик бағишлаб, ифодани ихчам ва аниқ беришга, тасвирнинг ёрқин ва таъсирчан чиқишига катта ёрдам беради. Тақлидий сўзларнинг ифодалари қаҳрамоннинг айни ҳолатини изоҳлаш ҳамда асосий мақсадни аёнлаштиришда беқиёс имкониятларга эгадир.

Тақлид ўзакли сўзларда эса бадииятга дахлдор деярли барча сифатлар: мусиқийлик ҳам, ҳаётийлик ҳам, образлилик ҳам, рамз ҳам мужассамки, бу

кадар баланд бадийликка фақат халқ даҳоси эришмоғи мумкин. Ушбу феълларнинг дostonдаги ҳар бир тасвирнинг образли кўринишида хизмат юксакдир, шунинг учун “Алпомиш” дostonида тақлид ўзакли феълларнинг тақлидий сўзларга қараганда салмоғи ғоят юқоридир.

Демак, халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири бўлмиш “Алпомиш” дostonида тақлид ўзакли феъллар ва тақлидий сўзларнинг қўлланилиши оғзаки нутқнинг таъсирчанлигини ҳамда дostonнинг ўқишлилигини таъминлайди, матн поэтикасини оширади, асар тилини бойитади, тилимиз имкониятларини кўрсатади.

Кўпинча дostonларда тақлидий сўз иштирокидаги ифодалар куйловчининг ижобий ёки салбий муносабатини кўрсатиш, тингловчи диққатини таърифга олинаётган объектга тортиш, унда ҳам ўзиникига ўхшаган ҳис-туйғулар уйғотиш учун ҳосил қилинади.

Тақлидий сўзларнинг лиро-эпик асарлардаги таъсирчанлиги шундаки, ифодалаган ҳаракат ва ҳолатни тассавур қилиш тингловчига шукуҳ беради, унинг хотирасида чуқур из қолдиради. Масалан, *Қирқ хачир битта-битта кириб, бобо кўриб: “Сад офарин зардор бўлганингга”, - деб туриб эди, қирқ йигит кўкмак темир бўлиб, тўпланиб кириб эди; бобонинг ақли шошиб, дамидан адашиб, ҳисоби кетиб, қулоғи битиб, бурнининг (суви) оқиб, бетиға ёғиб, ияғи қалтираб, кўзи ялтираб: “Ҳар дарвозадан қирқ йигитдан кирса, тонг отмай аркни олиб қўяди”, - деб тўранинг жиловини жупнай ушлаб, кўзини ёшлаб, қайдан бўласан, деб дўстиға бир сўз айтди.*[31.87].

Шу аснода тилшунослигимизда таҳлилга тортилган тақлидий сўзларнинг атама сифатида номланиш тамойилларининг турлича экани мақсадга мувофиқ эмасдай туюлишини айтиб ўтиш жоиздир.

Иккинчи боб бўйича хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, янги аср барча фан соҳаларида мисли кўрилмаган янгилик ва кашфиётлар асри бўлиши кутилмоқда. Давримиз илм-фан олдига қўяётган мақсад ва талаблар барча фан соҳаларида шу кунгача эришилган ютуқларнинг бирлаштирилиши, таҳлил этилиши, барча соҳалар учун самарали услуб ва

технологияларнинг оммалаштирилишини кўзда тутмоқда. Президентимиз “...мақсадимиз – жаҳон фани ва тафаккури чўққиларини ўзлаштиришга доимий ийтилишдир. Бошқача айтганда, биз ўтмишдан олаётган меросни ҳозирги кунда яратилаётган буюк кашфиётлар билан уйғунлаштирмоғимиз керак”[8.278], – деб таъкидлаганларидай, бадиий асарнинг турли инсоншунослик фанлари ҳамда математика, семиотика, кибернетика, информатика каби соҳалар талқинидаги янгича таҳлиллари янги-янги йўналишларни келтириб чиқариши табиий.

Лирик, эпик ва халқ оғзаки ижодида қўлланилган тақлидий сўзларни тўплаш, саралаш, таҳлил этиш; дастлабки тадқиқот ва таҳлиллار навбатдаги босқич илмий изланишлари учун замин яратиб беради. Таҳлил этилган мисолларда намоён бўлган тақлидий сўзларнинг моҳиятини, ўзаро ички муносабатларини ўрганиш натижасида тилимизнинг бадиий қиммати, жозибадорлиги, таъсирчанлиги нечоғли эканлиги тўғрисида ёрқин тасаввур пайдо бўлди.

Бадиий асарлардаги тақлидий сўзлар воситасида юз берадиган бадиий ҳодисаларнинг моҳияти, ўрганилиши, унинг компонентлари таркиби курилиши, лексик, семантик, грамматик, поэтик хусусиятлари бир бутунликда таҳлил қилиниб, янгича талқин этилди. Халқ кўшиқларидаги энг фаол тақлидий сўзларнинг мантикий-семантик, лисоний, поэтик хусусиятлари узвий алоқада экани таъкидланди, уларнинг асар бадииятига таъсири кўрсатилди. Мавзуга доир истеъмолдаги атамаларга маълум муносабат билдирилиб, мантикий ва назарий жиҳатдан асосланган янгича атамалар ҳам тавсия қилинди. Мисолларда таъкидлаб кўрсатилган тақлидий (тасвирий) сўзларнинг лисоний бадиияти табиатини янада мукамалроқ англаш имконини беради, деб умид қиламиз.

Барча бадиий асарларда тақлидий сўзларнинг тавсифлаш усулига кўра: эътироф этувчи ва баҳоловчи; баҳолаш тарзига кўра: ҳаққоний, муболағадор, мажозий, киноявий, тескари; келиб чиқишига кўра-анъанавий ва фавқулодда; қўлланилиш давомийлигига кўра: барқарор ва беқарор; тузилишига кўра:

оддий ва мураккаб; мураккаблашувига кўра: кўшма, жуфт, такрорий, истиоравий, ўхшатишли, фразеологик иборали; сифатдош тизимли турлари мавжудлиги аниқланди.

Морфологияда тақлидий сўзлар ҳам нисбатан кўп тарқалган, кенг оммалашган туркумлардан бўлиб, халқнинг билими, тажрибаси, маънавий хусусиятлари хазинаси умумлашади. Халқимиз бадиий-эстетик тафаккури, поэтик мезони тамойилларини ўзида ёрқин акс эттирган лирик меросни бадиий тил нуктаи назаридан ўрганиш миллий тилимиз ва адабиётшунослигимиз тараққиётига самарали таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, тилшунослик тараққиётида ҳам маълум рол ўйновчи омиллардан биридир.

Ўзбек тилидаги мустақил ва ёрдамчи, шунингдек, алоҳида олинган сўзларни ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб борган, бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган тилшунослар насрий, лирик ва халқ кўшиқлари, дostonларидаги тақлидий сўзлар бадииятини ўрганиш ишининг янги поғонага кўтарилиши учун мустаҳкам асос яратдилар. Бизнинг тадқиқотимиз ана шу тадқиқотлар бағрида, уларнинг узвий, тадрижий давоми сифатида юзага келди.

Хулоса қилиб айтганимизда, ўзбек халқ дostonларидаги тақлидий сўзлар муҳим ва анча сермахсул тасвир воситадир. Тақлидий сўзлар насрий ва назмий асарлар шунингдек халқ кўшиқларида образлилик эмоционал-экспрессив таъсирчанлик, ассоциатив таассуротлар туғдириш йўлида танланган махсус тафсил ёки образнинг шу асардаги мотивация учун муҳим бўлган белги ва хусусиятларини таъкидлаб кўрсатади.

Тақлидий сўзларларининг лингвопоэтик таҳлил қилиниши бадиий асарнинг лисоний ва бадиий яхлитликда ўрганилиши, бадиий асар таҳлилида янгича йўналишнинг ўринлашуви ва такомиллашувига кўмаклашади. Лингвопоэтик тадқиқотлар тилимиз табиатига доир қатор кашфиётлар қилиш, фольклор кўшиқлари поэтикаси тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мулоҳазалар билдириш имкониятини беради.

Умумий хулосалар

Тақлидий сўзлар ҳозирги ўзбек тилида катта лексик-грамматик гуруҳни ташкил қилувчи категориядир. Тақлидий сўзлар мустақил сўз туркуми сифатида ўзига хос фонетик, лексик, грамматик шунингдек, стилистик хусусиятларга эга.

Тақлидий сўзлар ўзбек тилида бошқа сўз туркумлари учун хос бўлмаган фонетик хусусиятларга эга. Бу эса уларнинг товуш состави ва бўғин тузилишида очик кўринади. Тақлидий сўзлар составидаги товушларнинг улар ифодалаган ҳодисалар билан бевосита алоқаси мавжуд. Бу хусусиятлари билан улар ундовлардангина эмас, балки ҳамма сўз туркумларидан ҳам фарқ қилади. Ўзбек тилида тақлидий сўзлар асосан бир бўғиндан ташкил топади. Шунинг учун уларни қатъий равишда $c+v+c$ ёки $c+v+c+c$ формуласига солиш мумкин.

Тақлидий сўзлар тарихий категорияси сифатида тил тараққиётининг маълум даврида майдонга кела бошлаган, тилнинг умумий тараққиёти билан бирга бойиб борган ҳодиса, лекин тилнинг келиб чиқишини тақлид сўзларга боғлаш, шунингдек, тақлидий сўзларни тараққиётдаги ҳодиса эмас.

Тақлидий сўзларнинг семантикаси жуда ранг баранг, шу билан бирга уларни текшириш жуда қийин ҳамдир. Тилшуносликда тақлидий сўзлар товушга тақлид сўзлар ва образга тақлид сўзлар деб икки катта гуруҳга ажратилиб, турли ҳил терминлар билан атаб келинди. Биз ҳам тақлидий сўзларни семантик томондан икки гурппага бўламиз: а) товушга тақлид сўзлар б) образли сўзлар.

Тақлидий сўзлар грамматик структураси томонидан ҳам бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади. Тақлидий сўзлар ҳозирги замон ўзбек адабий тилида асосан такрорий ҳамда жуфт формада қўлланади. Содда тақлидий сўзлар бир лағзалик, кескинликни билдириб, асосан ёрдамчи феъллар билан бирикиб келади. Такрорий тақлидий сўзлар ҳаракат ёки товушнинг табиатини, турли хусусиятини билдиришда содда тақлидий сўзлардан фарқланади: жуфт тақлидий сўзлар товуш ёки ҳаракатнинг турли ҳил

ўзгаришларга юз тутган ҳолда такрорланганлигини давомийлигини кўрсатади. Содда сўзларга **-ир, -анг**, структура элементларининг қўшилиши билан уларнинг кенгайган формаси ҳосил бўлади.

Бошқа сўз туркумларидан қўшимчалар орқали тақлидий сўзлар ясалмайди. Улар учун асосан ички ясалиш характерлидир. Тақлидий сўзлардан ҳар хил грамматик усуллар билан бошқа сўз туркумларининг (айниқса, от ва феъллар) ясалиши жуда кўп учрайди. Тақлидий сўзлардан отлар аффиксация, композиция ва синтактик-морфологик йўллар билан ясалади. Аффиксация булар ичида асосий ўринни эгаллайди. Тақлидий сўзларда субстантивация ҳодисаси ҳам жуда тараққий қилган.

Тақлидий сўзлардан феъллар синтактик (аффиксация) ва аналитик йўллар билан ясалади. Тақлидий сўзлардан феъл яшашда **-ла, -ра, -илла** аффикслари фаол иштирок этади. Тақлидий сўзлар кўмакчи феъллар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади. Бундай қўшма феълларда тақлидий сўз асосий лексик маъно ташийдиган ва етакчи рўл ўйнайди. Кўмакчи феъл эса бирикмага феъллик тусини беради ва боғлама вазифасини бажаради. Демак, кўмакчи феъл грамматик роль бажаради.

Тақлидий сўздан ясалган феъллар-тақлидий феъллар бошқа соф феъллардан товуш ва образ билан боғлиқ бўлган ҳаракатни ҳамда у ҳаракатнинг бевосита атилишини кўрсатилиши билан фарқ қилади.

Сифатлар тақлидий сўзлардан асосан аффиксация усули билан ясалади. Тақлидий сўзлардан сифатлар яшашда **-қ, -оқ, -ма** каби аффикслар маҳсулдор ҳисобланади.

Тақлидий сўзлар гапда феъллардан олдин келганида, асосан, равиш вазифасини бажаради. Уларнинг бу хусусиятларига асосланиб, равишлар категориясига киритиш мумкин эмас.

Умуман, тақлидий сўзлар ҳозирги ўзбек тили сўз яшаш системасида актив қатнашади. Улар бу хусусият билан ундовлардан кескин фарқ қилади. Чунки ундовлар сўз яшаш системасида деярли қатнашмайди.

Тақлидий сўзлар гапнинг ҳамма бўлаклари вазифасида кела олади. Ундовлар эса гап бўлаклари вазифасида кела олмайди. Тақлидий сўзларнинг гапда аниқловчи функциясида келиши алоҳида диққатга сазовор. Улар отлардан олдин келиб, предметнинг белгисини билдирганда турли хил аниқловчилар вазифасини бажаради. Феъллар олдидан келиб, иш-ҳаракатнинг қандай равишда бажарилганлигини билдирганда, ўринга, вақтга муносабатини кўрсатганда, ҳол функциясини бажаради. Тақлидий сўзлар субстантивлашиб, гапда эга, қаратқич ва тўлдирувчи функциясида ҳам келади.

Тақлидий сўзлар жуда муҳим стилистик роль ўйнайди. Бадиий асарларда маънони кучли, таъсирли ифодалаш, экспрессивлик билдириш каби ҳолларда тақлидий сўзларнинг роли каттадир.

Тақлидий сўзларларининг лингвопоэтик таҳлил қилиниши бадиий асарнинг лисоний ва бадиий яхлитликда ўрганилиши, бадиий асар таҳлилида янгича йўналишнинг ўринлашуви ва такомиллашувига кўмаклашади. Лингвопоэтик тадқиқотлар тилимиз табиатига доир қатор кашфиётлар қилиш, фольклор қўшиқлари поэтикаси тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мулоҳазалар билдириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган). Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»/Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамиятни барпо этиш-устувор мақсадимиздир. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилинган маърузаси) Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.(2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).-Тошкент.:Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Тошкент.:Ўзбекистон, 2009.
6. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент.:Маънавият, 2008.
7. Каримов И.А. Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.- Тошкент.:”Ўзбекистон”,1998.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз.- Тошкент.: “Ўзбекистон”,2001.
9. Абдурахмонов Х.,Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси.-Тошкент.: Фан,1981.
10. Абдурахмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзғатувчи лисоний воситалар. Филол.фанлари номзоди дисс. автореферат.-Тошкент, 1997.

11. Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари.- Тошкент.: Фан, 1966.
12. Алпомиш достони
13. Артур Хейли. Оқшом хабарлари.- Жаҳон адабиёти. 2007. 67 б.
14. Алишер Навоий. “Бадойеъ ул-бидоя”. МАТ.1 жилд. Тошкент.: Фан. 1989. 12 б.
15. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар.- Тошкент.: ТДПУ, 2004.
16. Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди дисс. автореф.- Тошкент, 2004.
17. Гермонович А.И. Звукоподражание и звукоподражательный слова русского языка. 1947, 192с.
18. Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати.- Тошкент.: 1962.
19. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль.- Тошкент.: Фан, 1988.
20. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари.- Тошкент.: Фан, 2005.
21. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларида ўхшатиш.- Тошкент: Фан, 2005.
22. Жалолова Л. Абдулла Қодирий асарларидаги жонлантиришнинг лингвопоэтик таҳлили. Ўзбек тили ва адабиёти. 2000.-№4.
23. Жамолхонов Х., Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили.- Тошкент.: 2000.
24. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси.- Самарқанд.: 1982.
25. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (Кеча ва кундуз романи мисолида): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф.- Тошкент, 2000.
26. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари.- Тошкент.: Маънавият, 2002.
27. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш.- Тошкент.: ТДПУ, 2007.
28. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф.- Тошкент.: 1993.

29. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка.-Тошкент.:1948.
30. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка.-Тошкент.:1956.
31. Кунтуғмуш. Айтувчи, Фозил Йўлдош ўғли.-Тошкент.:Фан,1998.-87 Б.
32. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил.- Тошкент.:Ўқитувчи,1995.
33. Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикасига доир.Ўзбек тили ва адабиёти-1985.-№6.
34. Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир.Ўзбек тили ва адабиёти-1987.-№4.
35. Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз.-Тошкент.:Адабиёт ва санъат,1997.
36. Маҳмудов Н. Тил.Тошкент.:Ёзувчи,1998.
37. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси.Филология масалалари.- ЎзДЖТУ,2006.-№6(11).
38. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти.-Тошкент:Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,2007.
39. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.- Тошкент.:1959.
40. Мелиоранский П.М. Араб филолог о турецком языке.
41. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири - 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи:Филол.фанлари номзоди. дисс. автореф.-Тошкент,2004.
42. Неъматов Х.,Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Тошкент:Ўқитквчи,1995.
43. Неъматов З. Эзгулик ўлкаси.-Тошкент.: Янги аср авлоди.2009,-19 б.
44. Наврўз нашидаси.-Тошкент.:Шарқ,1998.-10 б.
45. Пўлат Мўмин.Бола қалби.-Тошкент.: Ўқитувчи.1998,-10 б.
46. Султонов И.Бадиий асарнинг тили.Ўзбекистон адабиёти ва саъати.- 1939.-№5.

- 47.Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш.Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент.: 1965.
48. Турсунов У., Мухторов Ж., Кононов А. Ҳозирги замон ўзбек тили морфологияси.-Самарқанд.:1960,-34 б.
- 49.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тузувчи Ҳожиёв А.-Тошкент.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашириёти,2002.
- 50.Холмирзаев Ш.Сайланма 1-жилд.-Тошкент.:Шарқ,2007,-27 б.
- 51.Шадиёва Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърляти лингвопоэтикаси:Филол.фанлари номзоди... дисс. автореф.-Тошкент.: 2007.
- 52.Шекспир. Сайланма 1-жилд, Ҳамлет:-Тошкент.: Шарқ. 2007,-27 б.
- 53.Ўзбек тили лексикологияси.-Тошкент.:Фан,1981.
- 54.Қуддус Муҳаммадий. Наматак,-Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашириёти.2003,-7 б.
- 55.Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар.-Самарқанд.:СамДУ,1975.
- 56.Қўнғуров Р. Нутқ маданияти ва услубият асослари.-Тошкент.:Ўқитувчи,1992.
57. Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар.-Тошкент.:Фан.1966,-6 б.
- 58.Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.Синтаксис.-Тошкент: Ўқитувчи,1987.
- 59.Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ш.Шоабдурахмонов,М.Асқарова А.Ҳожиёв. ва бошқ.-1-қисм.-Тошкент:Ўқитувчи,1980.
60. <http://www.edu.ru>.
61. <http://ziyonet.uz>.
62. <http://pedagog.uz>
63. [http://www.rasl.ru/e_resours/ran:](http://www.rasl.ru/e_resours/ran)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланиладиган тақлидий сўзлар луғати

А	биж-биж	ванг
ади-бади	биланг-биланг	ванг-ванг
ак-ак	билт-билт	ванғир-вунғур
аланг-аланг	битбилдиқ	варақ-варақ
алпанг-талпанг	биқ-биқ	варанг-варанг
алғов-далғов	биқир-биқир	варвар
анг-анг	биғ-биғ	варварақ
анграймоқ	бобилламоқ	варқирамоқ
апил-тапил	бонг	вақ-вуқ
апир-шапир	бужмаймоқ	вақур-вуқур
ар-ар	бул-бул	виж
Б	булдур-булдур	виж-виж
ба...	булқ-булқ	вижир-вижир
ба-ба	бўзраймоқ	виз-виз
ба-бу	бўқирмоқ	вис-вис
бадар-бадар	бўм-бўм	вит
бадир-бадир	бу-у	виш-виш
бам-бум	В	виқ-виқ
бақир-буқир	вадаванг	виқир-виқир
бақирмоқ	важир-важир	вов-вов
бақраймоқ	вайсақи	вот-вот
безангламоқ	валаки-саланг	воҳ-ҳо-ҳо
без-без	валақламоқ	Г
бидир-бидир	валдир	галдираб
бидилламоқ	валдир-валдир	гангиракламоқ
биз-биз	валдир-вулдур	гунгур-гунгур

гандиракламоқ	диканг-диканг	жангир-жуңгур
гиж-банг	дик-дик	жаранг-журиңг
гижданг-гижданг	диккаймоқ	жарақ-жарақ
гижингламоқ	динг-динг	жағ-жағ
гир-гир	дингир-дингир	живир-живир
гув-гув	динг-динг	жиз-жиз
гувур-гувур	дир-дир	жик-жик
гулдур	дириңг-дириңг	жилвирамоқ
гулдур-гулдур	довдир	жилдир-жилдир
гум	довдирамоқ	жилмаймоқ
гумбур	довдир-жовдир	жилпанг-жилпанг
гумбур-гумбур	дув-дув	жимжима
гуп	дувур-дувур	жими́р-жими́р
гуп-гуп	дудук	жингак
гуриллаб-вариллаб	дук-дук	жинг-жинг
гуркирамоқ	дукура-дукур	жингир-жингир
гурс	дукур-дукур	жиқ-жиқ
гурс-гурс	дўк-дўк	жиққа-жиқ
гурунғ	дўм-дўм	жуз
Д	дўнғ-дўнғ	жулдур
данг-данг	дўп-дўп	жулдур-жулдур
данг-дунг	дўриллаб	жунжимоқ
данғир-данғир	дўқ-дўқ	жур-жур
данғир-дунғур	дўқир-дўқир	З
даранг-даранг	Ж	заб-заб
дар-дар	жаврамоқ	зинг-зинг
дақир-дукур	жаз	зир-зир
дағ-дағ	жаз-жаз	зирқ-зирқ
дағдаға	жалдир-жулдур	зув-зув
дик	жанг-жанг	

И	лапанг-лапанг	мил-мил
ивир-шивир	лапашанг	милтиқ
из-из	лап-лап	милт-милт
икир-чикир	лапа-лаппа	минғир-минғир
иланг-билланг	лақ-лақ	мов
илжаймоқ	лақ-луқ	мо-о-о
имилламоқ	лақилламоқ	му
иммм...	лаканг-ликанг	му-му
инг	ликилдоқ	иуллажиринг
инга-инга	лик-лик	П
инға	лим	пар-пар
ипир-ипир	лим-лим	парр
иржаймоқ	лимма-лим	парт
ирилламоқ	лип-лип	парт-парт
иршаймоқ	лиқ-лиқ	парт-пурт
ишшаймоқ	лиққа-лиққа	пат-пат
ишқирмоқ	лов	пақ
Й	лов-лов	пақ-пақ
йилт-йилт	лоп-лоп	пақ-пуқ
К	лўк-лўк	пақир-пуқир
какир-какир	лўппа-лўппа	пилдир-пилдир
какку	лўппи	пилч-пилч
какку-какку	лўппи-лўппи	пинқир
карс-карс	лўқ-лўқ	пир-пир
карс-курс	М	пинғилламоқ
кусур-кусур	ма-а-а	пирр
куф-суф	маввв	пирра
Л	мау	пирс-пирс
лакалов	миёв-миёв	пирқ-пирқ
лак-лак	милдир-милдир	пис-пис

питбилдик	талтаймоқ	тўп
питир-питир	тапира-тупир	тўп-тўп
пих-пих	тапир-тапир	тўс-тўс
пичир-пичир	тапир-тупур	тўқилламоқ
пиш-пиш	тап-тап	тўқ-тўқ
пишқирмоқ	таппа-таппа	У
пиқ-пиқ	тарақ-туриқ	убур
поп	тарс	ув
порт-порт	тасира-тусир	уввв
порт-пурт	тақ-тақ	уввос
пуп	тақ-туқ	укки
пуф	тикраймоқ	уру-ру-ру-ру
пўнғилламоқ	тизилламоқ	Х
пўрт	тилка-тилка	ха-ха-ха
пўрт-пўрт	тинг-тинг	ха-ха-хов
С	типир-типир	хах-хах-ха
саланг-саланг	тиржаймоқ	хир
сақар-сақар	тириқ-тириқ	хиринг-хиринг
селк-селк	тиқир-тиқир	хир-хир
серраймоқ	тиқ-тиқ	хирқи
силкиллаб	топир-тупур	хи-хи-хи
сирқиратмоқ	топ-топ	хих-хих
сўлжаймоқ	топ-туп	хиқилдоқ
сўлқ-сўлқ	торс	хур-хур
сўппаймоқ	торс-турс	хўр-хўр
Т	тоқ-тоқ	хуммм
так	тоқ-туқ	хумрайди
така-пука	тук-тук	хўр-хўр
так-так	тумшаймоқ	Ч
така-тум-так	тўнғилламоқ	чак-чак

чалп-чалп	чулдур-чулдур	шатир-шутир
чап-чап	чурвақа	шақа-шулдир
чарилламоқ	чурилламоқ	шақира-шуқур
чарс-чарс	чуррр	шақ
чатир-чутур	чулп-чулп	шағ-шуғ
чақчаймоқ	чўнқайди	шивир-шивир
чақ-чақ	чўп-чўп	шилдир-шилдир
чағ-чағ	чу-фишш	шилтинг
чағир-чуғур	чуғур-чуғур	шилт-шилт
чаҳ-чаҳ	чўкқайди	шилқ-шилқ
чив-чив	Ш	шинғилламоқ
чий-чий	шалдур-шулдир	шипир-шипир
чик-чик	шалоп	шип-шип
чилп-чилп	шалп	ширр
чимирмоқ	шалп-шалп	ширқ-ширқ
чинқирамоқ	шалп-шулп	шитир-шитир
чинғилламоқ	шалтоқ	шит-шит
чиппа-чиппа	шанғи	шов
чип-чип	шап-шап	шов-шов
чирик-чирик	шапир-шупир	шов-шув
чирс-чирс	шарақ	шулп
чирт	шарақа-шурик	шулп-шулп
чирт-пирт	шарақ-шурик	шўнғилламоқ
чир-чир	шар-шар	шўппаймоқ
чирқ-чирқ	шарпа	Ю
чит-чит	шарт	юм-юм
чиқ-чиқ	шарт-шарт	Я
чиғир-чиғир	шарт-шурт	ялангламоқ
чиғ-чиғ	шартта-шурт	ялдир-билдир
чувир-чувир	шарқ	ялтангламоқ

ялт-юлт	кулдир-кулдир	ғизза-ғизза
ялт-ялт	култ-култ	ғиз-ғиз
ярқ-ярқ	кулқ-кулқ	ғийт-ғийт
Қ	қурилламоқ	ғилт-ғилт
калдир-кулдир	кур-кур	ғилқ-ғилқ
калт-қалт	ку-ку	ғимир-ғимир
қалқиллаб	ку-ку-ку	ғингшимок
қаппаймоқ	қуқ-қуқ	ғинг-ғинг
қарс	Ғ	ғинггир-ғинггир
қарс-бадабанг	ғадир-будир	ғирра-ғирра
қарс-қурс	ғажир-ғужур	ғирт
қарр-қарр	ғала-ғовир	ғирч-ғирч
қарч-қарч	ғалдир-ғулдир	ғит-ғит
қарқиллаб	ғап	ғиқ-ғиқ
қасир-қусур	ғарс-ғурс	ғиғ
қат-қат	ғарт-ғурт	ғовур-шувир
қақир-қукур	ғарч-ғурч	ғо-ғо
қаққаймоқ	ғарғара	ғувур-ғувир
қағ-қағ	ғарқ	ғудунгламоқ
қах-қах	ғат-ғат-ғат	ғужи-ғужи
қийқирмоқ	ғағ-ғағ	ғужур-ғужур
қилпилламоқ	ға-ғу	ғуж-ғуж
қилпонгламоқ	ғивир-шивир	ғулдур-ғулдур
қилт-қилт	ғивир-ғивир	ғуж-ғуж
қисир-қисир	ғиди-биди	ғулдир-ғулдир
қирс-қирс	ғиди-ғиди	ғўдаймоқ
қитир-қитир	ғижжак	ғўдирламоқ
қиқир-қиқир	ғижи-бижи	ғўлдир-ғўлдир
қиғ	ғижир-ғижир	ғўнғир-ғўнғир
қув-қув	ғиж-ғиж	

Ҳ		
	ҳил-ҳил	ҳу-ғу
ҳаллослаб	ҳингир-ҳингир	ҳўнгир-ҳўнгир
ҳанг-манг	ҳиринг-ҳиринг	ҳўнг-ҳўнг
ҳанг-ҳанг	ҳи-ҳа-ҳов	ҳўмраймоқ
ҳапиллатиб	ҳиқ-ҳиқ	ў
ҳарс-ҳарс	ҳи-ҳи	ўшшаймоқ
ҳарс-ҳурс	ҳув-ҳув	ўшқирмоқ
ҳилпир-ҳилпир	ҳур-ҳур	ў-ў-ў
ҳилп-ҳилп	ҳуштак	ўқраймоқ

Эслатма: Бу луғатнинг асосий қисми тақлидий сўзлардир. Баъзан тақлидий сўзлар туб сўз ҳолида қўлланмайди. Бундай вақтда улардан ясалган от, феъллар келтирилди. Баъзан эса тақлидий сўзлардан ясалган бошқа сўзларни маъноси унинг асл маъносидан узоқлашиб кетади. Луғатда бундай ҳолатларга ҳам аҳамият берилди.

**Диссертацияда қўлланилган ўзбекча-инглизча лингвистик
терминларнинг луғати**

А

- Аббревиатура – Abbreviation
- Абзац - Paragraph
- Абсолют, тўлиқ – Absolute
- Автоматик - automatic
- Автосемантик сўзлар — avtosemantic words
- Агрессив - Aggression
- Адабий меъёр — Literary norm
- Адабий тил — Literary language
- Адаптация – Adaptation
- Академик – Academic
- Актив нутқ органлари — Active body language
- Активлашиш - Activation
- Актуаллашиш - Actualization
- Акустик - Acoustic
- Акустик фонетика — Acoustic Phonetics
- Акустика - Acoustics
- Алифбо — Alphabet
- Алифбо тартиби - alphabetically
- Алифбо тартибида жойлаштириш - Alphabetize
- Алифболи - Alphabetic(al)
- Амалий тилшунослик — Applied Linguistics
- Анъанавий тилшунослик - Traditional linguistics
- Асос - basic
- Асос маъно - Generating value
- Асосий - based

Аспект - Aspect

Б

Бадийй - Artistic

Бадийй услуб - Artistic style

Бадийй матн - Artistic text

Бир бўғинлилик - Monosyllabizm

Бир маъноли - monosemantic

Бош бўлақлар - The principal terms of the proposal

Бош гап - Main clause

Бош сўз - Header word

Бош урғу - Primary stress

Бош ҳарф - Uppercase

Бурун ундошлари - Nasal consonants

Бўғиз ундоши - Guttural consonant

Бўғин - Syllable

Бўғин кўчириш - Carry the words

Бўғинли ёзув - Syllabary

Бўғиз товуши - Guttural

В

Вазифа - function

Д

Дедукция - deduction

Диалектал - dialectal

Диахрон - diachronic

Ё

Ёзма нутқ - Written language

Ёзув - Letter

Ж

Жарангли ундошлар - Voiced consonants

жаранглилик - Voicing

Жарангсиз ундошлар - Voiceless consonants

Жарангсизлик - Deafness

Жуфт ундошлар - Paired consonants

З

Замон категорияси - The category of time

И

Ибора - Expression, phraseological unit

Иероглиф - hieroglyph

Изоҳли луғат - Dictionary

Инглиз тили - English

К

Компонент - component

Кўп маъноли – Ambiguous

Кўчма урғу

Л

Лаб - тиш - labiodental

Лабланган унлилар - Labialized vowels

Лабланиш - Labial, labialization

Лаблашган - labial

Лаблашиш - labialization

Лаҳжа - Adverb

Лексема - lexeme

Лексемага хос - lexemic

Лексик - Lexical

Лексик - грамматик - lexical - grammatical

Лексик - семантик - lexical - semantic

Лексик - семантик гуруҳ - Lexical - semantic group

Лексикология - lexicology

Лингвопоэтика - Lingvopoetic

М

Мазмун - content

Мазмуний - notional

Матн - Text

Метатеза - metathesis

Метафора - metaphor

Муаллиф - author

Мустақил сўзлар - Significant words

Н

Нутқ - Speech system

Нутқ аппарати - Vocal apparatus

Нутқ бирлиги - A unit of speech

Нутқ маданияти - Speech culture

Нутқ услублари - Styles of speech

О

Объект - object

Овоз - Voice

Она тили - Native language

Оҳанг - intonation

Субъект - Subject

Сўз ясовчи аффикс - Derivational affix

Сўзлашув - colloquial

Т

Табиий - natural

Табиий тил - A natural language

Тавсифий диалектология - Descriptive dialectology

Тажриба - experiment

Тақлид сўз - Imitative word

Талаффуз - Pronounce

Товуш - - Sound

Товуш тембри - The timbre of sound

У

Ундош - Consonant

Унли - consonant

Унли - Vowels

Урғу - accent

Урғули - accentual

Урғусиз - Atonic